Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2013 йил
26 октябрь
ШАНБА
№ 86 (12618)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Бугун қишлоқ хўжалиги соҳасида, қолаверса, бутун юртимиз ҳаётида қувончли бир воқеа, яъни, мамлакатимиз пахтакорлари 3 миллион 350 минг тоннадан зиёд хирмон бунёд этиб, катта меҳнат ғалабасига эришдилар. Ватанимиз тараққиёти йўлида, иқтисодиётимизни барқарор суръатлар билан ривожлантиришда, халқимизнинг ҳаётини янада фаровон ва обод қилишда, ҳақиқатан ҳам, катта ҳисса бўлган бу улкан ютуқ билан авваламбор пахтакорларимизни, барча қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларини чин қалбимдан самимий мубораквод этишдан хурсандман.

Бу юксак марра пахтачилик ишига ўз ҳаётини бағишлаган, ўз касбининг устаси ва фидойиси бўлган деҳқон ва фермерларимизнинг, ушбу соҳага дахлдор олим ва мутахассисларнинг ўта мураккаб ва машаққатли меҳнати натижаси, том маънода мардлик ва матонат намунаси эканини халқимиз яхши билади ва юксак баҳолайди.

Пахтани ўстириш, уни парвариш қилиш, мўл ҳосил етиштириш билан таниш бўлган ҳар қайси одам бу иш нақадар оғир меҳнат талаб қилишини, бунинг учун йил давомида, биринчи навбатда, ер ва уруғ тайёрлаш, кунни – кун, тунни – тун демасдан, ҳар туп кўчат устида парвона бўлиш, шунингдек, об-ҳаво инжиқликлари, касаллик ва зараркунандалар етказадиган зиёнлар ва бошқа турли муаммоларни бартараф этиш – буларга фақат иродаси мустаҳкам, ўз касби ва меҳнатини севган инсонларгина қодир эканини англайди, тушунади.

Бу йилги мавсумни оладиган бўлсак, апрель ойида ҳаво ҳароратининг меъёрдан сезиларли даражада паст бўлгани, сурункали ёмғир ва жала туфайли чигит экиш 5-7 кунга кечикиб кетгани, май ойида 20-25 кун давомида тупроқда намлик миқдори ортиб, чигитнинг униб чиқиши ва ғўза ривожини деярли тўхтатиб қўйганини ҳаммамиз яхши эслаймиз. Июль-август ойларида эса ҳарорат одатдагидан 8-10 даража юқори бўлгани, жанубий вилоятларимизда жазирама иссиқ 45-50 даражага етгани, кўзни очирмайдиган гармсел, кучли шамол ва бўронлар кузатилгани, турли зараркунанда ва касалликлар кўпайгани, табиийки, ғўза ривожига салбий таъсир кўрсатиб, ҳосил тақдирини хавф остида қолдирди.

Шуларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда, пахтакорларимизнинг бу йилги мавсумда, ана шундай кескин ва мураккаб вазиятда эришган юксак марра ва натижаларининг аҳамияти ва қадр-қиммати янада ортади ва ҳар қанча таҳсин ва тасанноларга арзийди, албатта.

Шу борада беихтиёр одамнинг хаёлига келадиган бир фикрни айтиб ўтишни ўринли, деб биламан. Пахта азал-азалдан оқлик, оқ рангнинг тимсоли сифатида эътироф этилади. Оқ пахтани фақат оққўнгил одамларгина етиштиради. Таъбир жоиз бўлса, пахта нафақат оқ рангнинг рамзи, балки фидокорона меҳнатнинг маҳсули десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Қадрли юртдошлар!

Ҳеч кимга сир эмас, деҳқончиликда, айниқса, бизнинг Ўзбекистон шароитида тупроғимиз, еримиз сифатини инобатга оладиган бўлсак, ҳар қандай ҳосилнинг энг катта, ҳал қилувчи омили – бу экин майдонларининг мелиоратив ҳолатидир. Кейинги беш йил мобайнида махсус давлат дастури асосида мамлакатимиз бўйича салкам 1 триллион сўм маблағ сарфланиб, 1 миллион 460 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшилангани қишлоқ хўжалиги соҳасида мўл ҳосил етиштириш, жумладан, ўтган шу даврда пахтачиликда ҳосилдорликни 24 центнердан 26,4 центнерга етказиш учун замин яратиб берди.

Мустақиллик йилларида ҳар бир худуднинг тупроқ ва иқлим шароитига мос, эртапишар ва серҳосил ғўза навларини яратиш, селекционер олимларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш бўйича олиб бораётган кенг кўламли ишларимиз туфайли ўнлаб истиқболли янги навлар яратилиб, амалда жорий этилгани соҳа ривожида салмоқли қадам бўлганини қайд этиш зарур.

Бу йилги мавсумда вужудга келган мураккаб муаммо ва қийинчиликларни бартараф этиш учун ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ куч ва имкониятларни сафарбар этишга тўғри келди. Бунинг тасдиғини аввало омилкор деҳқонларимизнинг интенсив агротехнологияларни самарали қўллагани, ғўза қатор оралари ҳар йилгидан 3-4 марта кўп, ўртача 7 марта культивация қилингани, суғориш ишлари шарбат усулида олиб борилиб, гектарига 10 тоннадан, жами 10 миллион тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит берилгани мисолида кўриш мумкин.

Шулар қаторида кейинги йилларда шаклланган самарали тизим асосида фермер хўжаликлари имтиёзли кредитлар ва техника билан таъминлангани, зарур уруғлик, маҳаллий ва минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материаллари бевосита даланинг ўзига етказиб берилгани, йиғим-терим жараёни уюшқоқлик билан ташкил этилгани етиштирилган мўл ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмасдан, унинг 90 фоиздан ортиғини юқори сортларга топшириш имконини берди.

Айниқса, дефолиация ишлари ўз вақтида ва сифатли амалга оширилгани, кейинги йилларда бу агротехник тадбирнинг нақадар муҳим эканини фермерларимиз чуқур англаб етгани ва бу борадаги ишлар тизимли равишда олиб борилаётгани ғўза ривожида бирмунча кечикиш кузатилган жорий йилда ўзининг аниқ самарасини кўрсатди.

Энг муҳими, инсон омилига катта эътибор берилаётгани, қишлоқ аҳлининг ўз меҳнатидан манфаатдорлиги, ўз ерига эгалик ва масъулият ҳисси, эртанги кунга бўлган ишончи, дахлдорлик туйғуси тобора ортиб, онгу тафаккури юксалиб бораётгани бу борада ҳал қилувчи аҳамият касб этди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Ишни оқилона ва самарали ташкил этиб, ўз шартнома мажбуриятларини биринчилардан бўлиб адо этган Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Андижон, Фарғона, Бухоро вилоятлари, барча вилоятларимиз меҳнаткашлари мамлакатимизнинг юксак пахта хирмонига муносиб ҳисса қўшганини миннатдорлик билан таъкидлашни истардим.

Айниқса, Амударё, Элликқалъа, Шаҳрихон, Тошлоқ, Учқўприк, Ўзбекистон, Вобкент, Қарши, Навбаҳор, Уйчи, Поп, Нарпай, Шеробод, Қумқўрғон, Бўка, Гурлан туманлари деҳқон ва фермерлари белгиланган режани 20-25 иш кунида бажариб, кўпчиликка ўрнак ва намуна бўлдилар.

Юртимиздаги минглаб илғор фермер хўжаликлари қаторида Қамаши туманидаги "Ашур ота", Муборак туманидаги "Олам", Навбаҳор туманидаги "Мартабали", Наманган туманидаги "Олтин замин ифтихори", Каттақўрғон туманидаги "Ҳосил", Пахтачи туманидаги "Умида Шарипова", Сирдарё туманидаги "Адолат момо", Риштон туманидаги "Гулобод юрт", Амударё туманидаги "Улуғбек Ўрозбоев", Элликқалъа туманидаги "Рўзимбой бобо", Олтинкўл туманидаги "Нур-зиё кўзи" сингари фермер хўжаликлари ҳосилдорликни гектаридан 45-60 центнерга етказиб, фермерлик ҳаракатининг катта имкониятларини, ўзбек деҳқони қандай буюк ишларга қодир эканини яна бир бор исботлаб бердилар.

Айни вақтда бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг тадрижий мантиқи, ҳаётнинг ўзи фермерлик ҳаракатини янги, юксак босқичга кўтаришни тақозо этаётганини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Бу борада соҳа ривожи учун янги имкониятлар туғдириб бериш, унинг самарадорлигини ошириш, ерни том маънода ҳақиқий эгасига топшириш, аграр соҳада ўзига хос мактаб яратган илғор фермерларнинг иш тажрибасини ёшларга ўргатиш, замонавий билим ва малакага эга бўлган янги фермерлар авлодини тарбиялаш каби ўта муҳим вазифалар эътиборимиз марказида туриши зарур.

Ҳурматли юртдошлар!

Ҳаммамиз яхши тушунамизки, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги барча саъй-ҳаракатларимизнинг пировард натижаси деҳқонларимизнинг ўз меҳнатидан муносиб даромад олиши, аҳолимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини оширишдек эзгу мақсад билан чамбарчас боғликдир.

Шу маънода, мустақиллик йилларида мамлакатимизда пахта толасини юксак технологиялар асосида қайта ишлаш, уни қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулот сифатида экспорт қилиш ҳажми ортиб бораётгани диққатга сазовордир.

Агар 90-йилларда юртимизда етиштирилган жами пахта толасининг атиги 7 фоизи ўзимизда қайта ишланган бўлса, ўтган давр мобайнида бу рақам қарийб 6 баробар ортиб, ҳозирги вақтда салкам 40 фоизни ташкил этмоқда. Бу ўз навбатида олдимизда турган турли муаммоларни ечиш, минг-минглаб юртдошларимиз, айниқса, ёшларимизни замонавий иш жойлари билан таъминлаш, аҳолининг даромад манбаларини кўпайтириш имконини бераётганини, ўйлайманки, тушуниш қийин эмас.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра бу йил пахтачиликдан олинадиган ялпи даромад ўртача 3 триллион 100 миллиард сўмдан зиёд ёки ўтган йилга нисбатан 23 фоиз кўп бўлиши кутилаётгани деҳқон ва фермерларимизнинг ўз меҳнатидан манфаатдорлигини кучайтириш, "Обод турмуш йили" Давлат дастури ва бошқа умуммиллий дастурларимиз доирасида белгилаб олган вазифаларимизни амалга оширишга хизмат қилиши билан айниқса эътиборлидир.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Бугунги хурсандчилик кунда сиз, фидойи деҳқон ва фермерларни, сувчи ва механизаторларни, агроном ва селекционерларни, мутахассис ва мутасаддиларни, Ўзбекистонимизнинг юксак пахта хирмонига муносиб ҳисса қўшган барча инсонларни бағримга босиб, яна бир бор табриклар эканман, сизларга қалбимда, юрагимда бўлган ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Мана шундай шукуҳли дамларда биздан марҳаматини дариғ тутмасдан, ўз паноҳида асраб келаётгани, доимо йўлимизни очиб бераётгани учун Яратганимизга шукроналар айтишимиз ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Эл-юртимиздан, хонадонларимиздан файзу барака, тинчлик-осойишталик аримасин! Осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин!

Ҳалол меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, ҳеч қачон кам бўлманг, азизларим, қадрдонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

ЙИЛЛАР ТАЖРИБАСИ ҚЎЛ КЕЛЯПТИ

Оҳангарон туманидаги "Шоҳрух файз" масъулияти чекланган жамияти 7 йил ичида қурилиш ва таъмирлаш бўйича илғорлар сафидан жой олишга улгурди.

Аввал 35 кишилик жамоа фақат мукаммал таъмирлаш ва пудрат ишлари билан шуғулланди. 33- ва 35-умумтаълим мактабларини таъмирлаган корхона тез орада тилга тушди. Йилдан-йилга буюртмалар кўпая борди. Кўп ўтмай, 13-, 27-, 42-мактабларни қуриш топширилди. 6-мусиқа ва санъат мактаби, Оҳангарон саноат коллежи, очиқ сув ҳавзаси, "Мурувват" интернат уйи ҳам корхонанинг юзи. Бугунга келиб корхона ишчилари 50 га яқинлашиб қолди.

– Ҳозир ҳам қурувчиларимизнинг қўли-қўлига тегмаяпти, – деди корхона раҳбари Анвар Маъмуров. – Улар молия ва ғазначилик бўлими биноси қиёфасини янгилаш билан банд. Яхшиям, Бобур Мўминалиев, Мақсуд Маҳмаддиёров ва Жўрабек Қосимов каби маҳоратли ва тажрибали ишчиларимиз бор.

СУРАТДА: (чапдан) ғишт терувчи Саҳоб Зиёев, участка бошлиғи Анвар Мамашкев, бош муҳандис Анвар Абдулҳаев ва ишчи Руслан Қурбонов қурилаётган бинони қачон фойдаланишга топшириш хусусида маслаҳатлашмоқдалар.

Даврон АҲМАД олган сурат.

КЕЛИНГ, КЎРИНГ, МАЪҚУЛИНИ ХАРИД ҚИЛИНГ!

29 октябрь – 2 ноябрь кунлари Тошкент шаҳри нуфузли анжуманга мезбонлик қилади. "Ўзэкспомарказ" павильонларида халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси иш бошлайди. Мамлакатимиз Президентининг "Келгусида тармоқ ичида ва тармоқлараро саноат кооперациясини кучайтириш чоралари тўғрисида"ги қарорига биноан ярмарка ва биржа бу сафар еттинчи марта ўтказиляпти. Унга Германия, Буюк Британия, Россия, Хитой, Қозоғистон каби кўплаб давлатлардан мингга яқин меҳмон ташриф буюриши кутилмоқда.

– Илгари бу тадбир саноат ярмаркалари ва кооперацион биржа савдолари деб юритиларди, – деди вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Жамшид Машрабов. – Тадбирнинг аҳамияти ва нуфузи ортиб бораётгани, кўплаб хорижий мамлакатлардан ҳам меҳмонлар ташриф буюраётганини инобатга олиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ишлаб чиқариш кооперациясини янада ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармойишига асосан унга "Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперацион биржаси" мақоми берилди. Вилоятимиздаги 70 га яқин ишлаб чиқарувчи корхона бу йилги кўргазмада иштирок этиш истагини билдирди. Тахминимизча, 76,6 миллиард сўмлик шартномалар тузилиши кутиляпти. Ўтган йили 40 миллиард сўмлик 113 та шартнома тузилганди. Демак, олдинга силжиш бор.

Халқаро кўргазма ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантириш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг буюртмалар портфелини шакллантиришга хизмат қилаётир. Унда иштирок этаётган маҳаллий саноатчилар нафақат республикамиз, балки хорижий мамлакатлар корхоналари билан иқтисодий ва кооперацион алоқалар ўрнатишмоқда. Натижада маҳаллийлаштириш дастури доирасида ўзимизнинг хом ашё, ресурс ва захиралардан импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўпайди. Хусусан, бугунги кунга келиб, вилоятимиз бўйича мазкур дастурга киритилган корхоналар ҳамда лойиҳалар кўпайди, маҳсулотлар сифати яхшиланди. Вилоятимиз ишлаб чиқарувчилари ички бозоримизни турли-туман маҳсулотларга тўлдириш билан бирга ташқи бозорга ҳам дадил йўл олишяпти. Ҳозир вилоят саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича республика миқёсида ўзига хос салоҳиятга эга.

(Давоми 2-бетда).

Яна тўловлар ҳақида

ҚАРЗДОРЛИКДАН КИМ МАНФААТДОР?

"Тошкент ҳақиқати" газетаси деярли ҳар сонида табиий газ ва электр энергиясидан тўғри фойдаланиш ва ҳақини вақтида тўлаб бориш, акс ҳолда қонунга мувофиқ қатъий чоралар кўрилиши ҳақида бонг ураётганига қарамай, аксарият истеъмолчилар бу жиддий масалага ҳамон лоқайд муносабатда бўлмоқдалар. Фойдаланилган табиий газ ва электр энергияси ҳақини тўлашга оғринаётган истеъмолчилар Ўрта Чирчиқ туманида ҳам оз эмас.

Шу ойнинг ўрталарида суд ижрочиларининг туман бўлими томонидан коммунал тўловларни ундириш юзасидан қатор тадбирлар ўтказилди. Суд департаменти вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари А. Абдуллаев ва инспекторлар қишлоқ ва маҳаллаларда бўлиб, аҳволни ўрганишди.

– Ўтказган тадбирларимиз иш бериб, 27 та ижро ҳужжати бўйича 32 миллион сўм газ тўловлари ундирилди, – деди суд ижрочилари туман бўлими бошлиғи, катта суд ижрочиси И. Ҳусанов. – Энг ачинарлиси, ижро ҳужжатлари асосида тармоқдан ўчирилган хонадон соҳиблари электр тармоғига ноқонуний уланиб олганлари аниқланди.

Вилоят хўжалик судининг буйруқларига асосан Ўрта Чирчиқ электр тармоқлари идораси фойдасига "Чиғириқ сувоқава" ишлаб чиқариш шўъба корхонасидан 37 миллион 214 минг сўм қарзни ундиришга киришилди. Ижро ҳаракатлари давомида қарзнинг 16 миллион 845 минг сўми ундирилиб, қолгани учун корхонага борилганида туман электр тармоқлари идораси ходимлари узишган электр энергиясини ноқонуний улаб олишгани очилиб қолди. Бу ҳақда тегишли тартибда далолатномалар тузилиб, иш жилдига қўшилди. Ноқонуний ҳолат юзасидан расмийлаштирилган ҳужжатлар чора кўриш учун туман электр тармоқлари идорасига жўнатилади.

Бундан ташқари, суд ижрочилари фойдаланилган табиий газ ҳақини сурункали тўламай келаётган қарздорларнинг танобини тортиб қўйишларига тўғри келяпти. Улардан бири Тўйтепа шаҳри "Наврўз" маҳалласида яшовчи Улуғбек Эрматов. Унинг қарзи 4 миллион сўмга бориб қолган. Ижро ҳаракатлари давомида унга тегишли тахминий баҳоси 800 минг сўмлик 2 та телевизор хатланиб, қарз эвазига олиб чиқиб кетилди.

Шу ўринда савол туғилади. Нега туман электр ва газ идорасидагилар қарзларнинг бу даражада ортиб кетишига йўл қўйишди? Иллат газак олгунча қараб туриш, вазият чигаллашиб кетгач эса суд ижрочиларини ишга солиш шартмиди?

Хуршида МЎМИНОВА.

"Тошкент электр тармоқлари" ОАЖ ҳамда унинг тасарруфидаги туман ва шаҳар электр таъминоти корхоналари вилоят истеъмолчиларига керагича электр энергияси етказиб бериш ва ҳақини вақтида ундириш учун таъсирчан чоралар қўллашга ҳаракат қилмоқда. Шунга қарамай, айрим раҳбар ходимлар фойдаланган электр энергияси ҳақини вақтида тўламай, ўрнатилган тартиб-қоидаларни бузишмоқда.

АЖАБТОВУР «МИЛЛИОНЕР»ЛАР

Жумладан, Оҳангарон тумани Каттаовул қишлоғида яшовчи педагогика коллежи директори ўринбосари А. Бўронов электр энергиясидан 74 минг сўм, "Кўчбулоқ" маҳалласида яшовчи "Гўшсой" маҳалла фуқаролар йиғини раиси М. Ҳамраев 372 минг сўм қарз.

Ўрта Чирчиқ тумани Пахтаобод қишлоғи Мутал ота маҳалласида яшовчи "Аҳмад Зоир" фермер хўжалиги раҳбари Ш. Комиловнинг қарзи 1,4 млн. сўм, "Деҳқонобод" маҳалласида яшовчи И. Холовнинг қарзи 1,4 млн. сўмга етган.

Бекобод шаҳар "Шодлик" маҳалласида яшовчи шаҳар "Сувоқава" корхонаси бош муҳандиси Э. Турдиматов 577 минг сўм, "Ёшлик" маҳалла фуқаролар йиғини раиси И. Баҳромхўжаев 641 минг сўм қарзини тўламай келишяпти.

Ҳурматли истеъмолчилар, электр энергиясидан амалдаги қоидаларга асосан фойдаланишингизни ва ҳақини ўз вақтида тўлаб боришингизни сўраймиз.

"Тошкент электр тармоқлари" ОАЖ.

МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2013 йил 23 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига биноан мамлакатимизда тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибини таъминлаш борасидаги кўп йиллик шавкатли меҳнати, шунингдек, хизмат бурчини адо этишда кўрсатган мардлик ва фидойилиги, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати учун бир гуруҳ ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари мукофотландилар. Улар орасида вилоятимизнинг қуйидаги вакиллари ҳам бор:

"Содиқ хизматлари учун" медали билан

Борхўжаев Азизжон Махаматжонович – Бўка тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

"Шухрат" медали билан

Давранов Илхом Шавкатович – Олмалиқ шаҳар ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди смена бошлиғи

"Тошкент ҳақиқати"га жавоб берадилар

«СУВНИНГ УВОЛИ ЙЎҚМИ?»

Газетанинг 15 октябрь (№ 83) сонида юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган мақолада Чирчиқ шаҳрининг "Муруввaт" маҳалласи ҳамда "Маърифат" маҳалласидаги Ойбек кўчасида ер ости қувурлари ёрилиб кетиб, сув тошиб ётгани, бу ҳол аҳолини қийин аҳволга солиб қўйгани ҳақида сўз юритилган эди.

Таҳририят ушбу танқидий мақола юзасидан шаҳар "Сувоқава" ишлаб чиқариш шўъба корхонаси директори вазифасини бажарувчи У. Йўлдошев имзоси билан жавоб хати олди. Унда таъкидланишича, авария-тиклаш ишлари бригадаси мақолада келтирилган маҳаллаларга чиқиб, аҳволни ўрганди ва сув қувурлари тешикларини бартараф этди.

Жавоб хатига илова тарзида таҳририятга тақдим этилган далолатнома "Сувоқава" бошқармаси вакили М. Жақинбеков ҳамда 31-уйда яшовчи А. Степанова қувурлардаги авария ҳолати амалда бартараф этилганини тасдиқлаб, имзо қўйишган.

Қарор ва ижро

УРГАНЧДА «ТОШКЕНТ» СПОРТ МАЖМУАСИ

Мустақиллик шарофати билан она Ватанимизнинг қай ҳудудида бўлманг, бири-биридан улкан бунёдкорлик ишлари устидан чиқасиз. Бундан уч йил муқаддам Урганчда бўлгандик. Яқинда хизмат сафари билан яна Хоразмга бордик. Урганч аэропортига тушишимиз биланоқ, кенг кўламда қурилиш, ободончилик ишлари олиб борилаётганига гувоҳ бўлдик.

Урганчнинг марказий кўчаларида кейинги уч йил ичида бунёд этилган Европа ва шарқона меъморчилик тамойиллари уйғунлашган бир-биридан гўзал биноларни кўриб, ҳайратландик. Шаҳардаги ўзгаришлар шу даражада эдики, аввалги кўҳна кўчаларни таниб бўлмасди. Бир-биридан кўркам ва салобатли маъмурий, тураржой, маданий-маиший бинолар Урганчнинг қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборибди.

– Менинг умрим қурилишларда ўтган, – деди ҳамроҳимиз, фахрий қурувчи Йўлдош Эргашев. – Йирик трест ва кўчма механизациялашган колонналарда кўп йиллар ишлаганман. Завод, фабрика ва бошқа объектлар қурганмиз. Лекин ҳеч қачон бунақа улкан кўламдаги бунёдкорликни кўрмаганман. Биноларнинг кўркамлигини қаранг, бирортаси бошқасини такрорламайди. Бир-биридан муҳташам университет, институт, театр, банк, касб-ҳунар коллежлари... Нафақат Хоразмда, Ўзбекистоннинг ҳамма ҳудудида бирваракайига олиб борилаётган бу саъй-ҳаракатлар давлатимизнинг иқтисодий куч-қудратини намойиш этибгина қолмай, келажагимиз нақадар буюк эканини кўрсатади. Буларнинг барчаси халқимиз манфаатини, турмушимиз фаровонлигини кўзлаб амалга оширилаётир.

Республика Президентининг "Урганч шаҳрининг бош режасини амалга ошириш ва Хоразм вилояти аҳолисининг ичимлик суви таъминотини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ва бошқа дастурлар биз гувоҳ бўлган ободончилик ишларига асос бўлмоқда. Бу улкан ишларга Тошкент вилояти, хусусан оҳангаронлик тадбиркорлар ҳам ҳисса қўшишмоқда. Биз янги бунёд этилган кўчаларни айланиб, оҳангаронликлар қурилиш майдонида Тошкент вилояти ҳокимлиги вакили Саъдулла Ражабов билан суҳбатлашдик.

– Мана шу сиз кўриб турган майдонлар йил бошида тап-тақир чўл эди, – деди у. – Салгина шамолга қуюн кўтариларди. Ўтган қисқа даврда бизга ажратиб берилган 9,8 гектар майдонда катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Аввал ерлар текисланиб, ортиқча чиқиндилардан тозаланди. Бу ерда ҳадемай, маданият масканлари, ҳордиқ чиқариш иншоотлари, иккита интернет-кафе, 2,48 гектар майдонда савдо шохобчалари, катталар ва болалар учун чўмилиш ҳавзалари ва бошқа объектлар қад ростлайди. Кўриб турганингиздек, Оҳангароннинг "Мажнунтол", "Оҳангарон Анҳор", "Нур Европа классик" хусусий корхоналари тадбиркорлари футбол, теннис ва баскетбол майдонларини биринчи бўлиб қуриб битказишди. Футбол майдонига сунъий қоплама ётқизилди. Кийиниш-ечиниш хоналари қурилди.

Оҳангаронлик қурувчилар ҳозир "Тошкент" спорт мажмуаси атрофини ободонлаштириш билан астойдил шуғулланишмоқда: асфальт қилинаяпти, йўлакларга кошинтошлар ётқизилмоқда.

Оҳангаронликлардан ташқари, Зангиота туманидаги "Московские деликатесы" МЧЖ жамоаси ҳам фаол ишлаяпти. Шунингдек, Қибрай туманидаги "Парранда ЮТМ" МЧЖ тадбиркорлари ўзларига ажратилган майдонларда бунёдкорлик ишларини жадал олиб боришяпти. Айни кунда кўчат экиш авж олган. Бу майдонларга жами 1167 туп эман, қрим арчаси ва бошқа ноёб дарахт ҳамда гул кўчатлари экилади. Майдоннинг 4,2 гектари кўкламзорлаштирилади.

Оҳангаронлик тадбиркорлар шу куни мажмуада жонлиқ сўйиб, спорт иншоотларини ишга тушириб бердилар. "Мажнунтол" ХК раҳбари Шавкат Комилов, "Оҳангарон-Анҳор" МЧЖ раҳбари Низомиддин Шарипов, бу ердаги қурилиш ишларига бош бўлаётган Насриддин Муҳиддинов ва бошқалар сўзга чиқиб, амалга оширилаётган хайрли ишларнинг барчаси истиқлолимиз шарофати эканини таъкидладилар.

– Шундай спорт мажмуасини Оҳангаронда ҳам бунёд этиш ниятимиз бор, – дейди Шавкат Комилов. – Бунинг учун ҳозирданоқ ҳаракат бошлаб юборилди.

Шундан сўнг янги очилган спорт мажмуасида футбол ва теннис мусобақалар бўлиб ўтди.

Нурали АБДУРАСУЛОВ.

КЕЛИНГ, КЎРИНГ, МАЪҚУЛИНИ ХАРИД ҚИЛИНГ!

– Республика ярмаркаси олдидан вилоятларда унинг ҳудудий босқичлари ўтказилади, – деди вилоят ташқи иқтисодий алоқалар, савдо ва инвестициялар бошқармаси мутахассиси Ҳикматилла Фармонов. – Ўтган йилги вилоят ҳудудий ярмаркасида иштирок этган 131 та корхона жами 12,8 миллион сўмлик ўзаро манфаатли шартномаларни имзолаганди. Бу йилгисида эса, озиқ-овқат, халқ истеъмоли, қурилиш моллари, енгил саноат, фармацевтика, мебель ишлаб чиқарувчи жами 170 га яқин корхона 240 турдан ортиқ маҳсулотлари билан қатнашди. Натижада 370 дан ортиқ шартнома тузилди.

Тадбиркорларимиз маҳсулотларини замонавий технологияларни жалб этган ҳолда нафақат ички бозорга, балки хорижга экспорт қилишнинг уддасидан чиқишаётгани таҳсинга сазовор. Улар хорижий ҳамкорлар билан ишбилармонлик алоқаларини янада кенгайтириш учун мамлакатимиз ва чет элларда ўтказилаётган халқаро кўргазмалар ҳамда тендерларда иштирок этиб, ўрганган тажрибаларини фаолиятларига татбиқ этишмоқда. Маҳсулот экспорт қилишда ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, электрон савдо майдончаларига маҳсулотларни жойлаштириш билан уларни сотиш ва реклама қилишлари бугунги кун тадбиркорларининг бизнесни юритиш савияси ошганлигидан далолат бермоқда. Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперацион биржасида иштирок этаётганлар кам бўлишмаяпти.

– Маҳсулотлар харид қилиш бўйича тузиладиган шартномалар биз ўйлагандан ҳам кўпроқ бўлишига умид қиламиз, – деди Жамшид Машрабов. – Тадбиркорларимизга банк, молия, суғурта, солиқ ва божхона масалаларида маслаҳатлар бериш, молиявий имтиёзлардан фойдаланишда амалий ёрдам кўрсатишга вилоятнинг қатор бошқарма, ташкилот, банк муассасалари, шаҳар ва туман ҳокимликлари вакиллари ҳам жалб этилган.

Бу йил Бекобод шаҳрининг ўзидан 15 дан зиёд корхона, Чирчиқдан 10 га яқин маҳаллий ишлаб чиқарувчилар қатнашади. Ангрен шаҳридан "Angrengazmash", "Quvvat", "Angren Pack", Бекобод туманидан "Зафар қурилиш", "Оби ҳаёт", "Жонибек-Жавоҳир истиқлоли", "Бекобод агротех сервис" корхоналари, Зангиота туманидаги "Hi-tech kabel", "Энергетик", "Кедр-Инвестмент", "Азия электроизолятор", "Shahlo fashion", "Дур қушбеги бизнес" корхоналари қатнашиш истагини билдиришган.

– Ўтган йили халқаро ярмаркада туманимиздан 10 та корхона қатнашиб, 10 миллиард 392 миллион сўмлик 22 та шартнома тузилганди, – деди Қибрай тумани ҳокими ўринбосари Жаҳонгир Носиров. – Бу йил ҳам "Золотое Руно", "Азияэлектроэнергия", "Восток", "UzValve", "Trance Energy" каби корхоналаримиз мазкур халқаро тадбирдан катта натижалар кутаяпти. Туман ҳокимлиги уларга ҳар томонлама ёрдам беряпти.

– Ҳар йили ярмарка ва кооперацион биржа ўтказилишини интиқиб кутадиган бўлганмиз, – дейди Чирчиқ шаҳридаги "Elistan" корхонаси раҳбари Худойназар Бекжонов. – Ўтган йилги кўргазмада иштирок этиб, "Пахта кабель" заводи, "Ўзкабель" ва "Ўзметкомбинат" корхоналари билан 60 миллион сўмлик шартномалар тузишга эришгандик. Улар билан ҳозиргача яқин ҳамкорликда ишлаяпмиз. Бу йилгисидан умидларимиз янада катта.

Ярмарка сўнгида иштирокчи корхоналар ўртасида "Энг чиройли стенд", "Энг кўп шартнома тузган корхона" ва "Энг фаол иштирокчи" каби бир қатор йўналишлар бўйича ғолиблар аниқланади.

Хуллас, минг марта эшитгандан, бир марта кўрган яхши. Келинг, кўринг, маъқулини харид қилинг!

Хуршида ТУРСУНБОЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ечимини кутаётган муаммо

ОҚАЁТГАН СУВНИНГ СИФАТИ ЎЗГАРАДИМИ?

Чиноз тумани "Сувоқава" ишлаб чиқариш шўъба корхонаси тақдим этган маълумотномада "Амир Темур маҳалла фуқаролар йиғинида битта артезиан қудуғи қазилди. 5 километр узунликда сув қувурлари ётқизилди" дейилган. Бу янгиликдан оғири енгил бўлган аҳолининг қувончини кўриш мақсадида маҳаллага бордик. Бироқ уларнинг хурсандчилигига шерик бўлиш ўрнига кайфиятимиз бузилди.

Артезиан қудуғи қазилгани, қувур ётқизилгани ва ҳар 100 метрга водопровод жўмраклари ўрнатилгани рост. Аммо... сув йўқ. Мана, қарийб бир йил бўлаяптики, аҳоли янги қувурлардан бир қултум ҳам сув ичгани йўқ. Арзимас бир баҳона сабаб янги ичимлик суви тармоғи ҳануз фойдаланишга топширилмади.

Арзимас муаммо шуки, ўтган йилнинг сентябрида иш бошлаб, ниҳоят декабрь ойида сув чиқарилгач, экспертиза хулосаларидан сўнг маълум бўлдики, сувнинг таркибидаги оғир металлар 33 миллиграмм дециметр куб миқдорида экан. Ваҳоланки, бу миқдор амалда 9 миллиграмм дециметр кубдан ошмаслиги керак. Акс ҳолда у истеъмол учун яроқсиз деб топилиб, ичишга рухсат берилмайди.

Шундан сўнг ўша қудуқдан ўн метр нарида (нега бу қадар яқин?!) янги артезиан қазилди. Сув чиққач маълум бўлдики, у ҳам истеъмол учун ярамайдиган экан. Сабаби яна ўша – оғир металл моддалар миқдори 19 миллиграмм дециметр куб бўлиб чикди. Бу жиддийроқ ўйлаб кўрмай, аввалгисига жуда яқин жойдан кавлангани оқибати эмасмикин?

Энди нима қилиш керак? Ахир 260 миллион сўм маблағ шу сувга сингиб кетди. Бунинг устига артезиан суви ўзича чиқаётгани йўқ. Электр насос ўрнатилган. У тинимсиз ишлаяпти. Соатига 6 куб метр сув ҳайдаяпти. Бунинг учун 3,5 кВт электр қуввати сарфланаяпти. Ҳисоблаб чиқилса, бу бир ойда 2520 кВт (302 минг 400 сўм) бўлади. Бунинг ҳақини ким тўлайди? Йиғилиб бораётган қарзлар хонадонларга сочилиб, аҳоли "емаган сомсасига пул тўламайди"ми?

– Биз тўлаймиз, – дейди туман "Сувоқава" корхонаси раҳбари Худойберди Омонов.

Аммо у бу гапни муаммонинг ҳеч бўлмаса бир қисмини "ёпиш" учун айтмадимикин? Ахир янги ичимлик суви тармоғи ҳали ишга тушмаганлиги боис "Сувоқава" балансига ўтказилмаганку?!.

Бешта хонадонга кириб, суҳбатлашдик.

– Анчадан бери сувдан қийналаётганимиз учун янги қудуқни, ундан варақлаб чиққан сувни кўриб роса қувондик, – деди 74 ёшли Холдор ота Бойматов. – Бироқ, бу сувни ичиб бўлмас экан. Ҳатто кир ювишга ярамаяпти, совун кўпирмайди. Хуллас, ярамас сувдан қариганда касаллик орттириб олмай деб, аввалгидек, тоза сувнинг бир челагини 200 сўмдан сотиб олаяпмиз. Яна эски ҳаммом, эски тос.

– Сизлар ҳам тез-тез келиб, аммо беиз кетаётган мухбирлардан бирисиз-да, барибир ёзмайсиз, – деди Холдор отадан 2-3 хонадон нарида яшовчи Турсуной Ажимаҳамадова.

Аёлни юпатиб, ниҳоят дардини тингладик.

– Янги сувнинг ранги тозалигига қараманг, мазасини сўранг, қандайдир шубҳали таъми бор, – давом этди у. – Дераза ойналарини ювсак, қуригач, қалин доғ қолади. Бу-ку майлия, сувга ёлчимаганимиз устига кўчамизнинг асфальтини бузиб кетишгани ёмон бўлди. Мана, чанги чиқиб ётибди. Буни ким, қачон тузатиб беради энди?

Туман СЭС бошлиғи Шерпўлат Худойбердиевнинг қўл телефонига қўнғироқ қилдик, ишхонасида эмас экан. "Сизлар боравергинлар, болаларимга айтаман, ҳамма ҳужжатларни топиб, кўрсатишади" деди. Бордик. Бахтиёр исмли "бола" яқинда келганини айтиб, қоғозларни бир соатча титкилади-ю, керакли маълумотларни топиб беролмади. Ахир "шубҳали сув"га оид ҳужжат СЭСда бўлмаса, қаерда бўлади?

Хуллас, янги ичимлик суви тармоғи масаласи бир йилдан буён муаллақ турибди. "Сувоқава" балансига ўтмаган. Тендерда ютган "Аконтусжаннат" МЧЖ вазифасини бажариб қўйди. Сув эса йўқ, тўғрироғи бор, аммо ичиб бўлмайди. Шунга қарамай, болалар водопровод жўмракларини бураб, сув ичиб юришганини ўз кўзимиз билан кўрдик. Уларга бирор кор-ҳол бўлса-чи...

– Ошқозон-ичак хасталикларига чалиниш хавфи бор, – деди туман марказий шифохонаси бош шифокори Жаҳонгир Носиров.

Қудуқ ёнидаги жўмракдан сув оқизиб қўйилибди. Баъзи корчалон мутахассислар шундай маслаҳат беришибди. Эмишки, шундай оқиб тураверса, бир кун келиб, таркибидаги оғир металлар миқдори камаяркан.

Чиноз тумани ҳокимлиги ҳам шу фикрдамикан? Бу саволга жавоб кутамиз.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
Даврон АҲМЕДОВ (суратлар),
"Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.

Сайловлар яқин

КОМИССИЯЛАР ИШЛАЯПТИ АММО...

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш масалаларига бағишлаб жойларда семинарлар ташкил этилиб, вазифалар кенг кўламда тушунтирилаётганига қарамай, вилоят шаҳар ва туманларининг сайловга кўмаклашувчи комиссиялари ҳамда ишчи гуруҳлари фаолиятида ҳамон камчилик ва нуқсонлар учрамоқда.

Фақат Пискент тумани кўмаклашувчи комиссияси ишида жонланиш сезилаяпти, холос. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Олий Мажлис Сенати тавсия этган намунавий шакллар ишчи гуруҳларига тўлиқ тарқатилган, ишлар режа асосида ташкил этилган. Алоҳида хонани жиҳозлаш ва иш юритиш ҳужжатларини шакллантиришдаги жузъий камчиликларни истисно қилган ҳолда айтиш мумкинки, туман кўмаклашувчи комиссияси ишида жонланиш кўзга ташланяпти.

Бироқ, Бўка туманида сайловларга тайёргарликнинг бориши ҳақида бундай дейиш қийин. Вилоят кўмаклашувчи комиссияси вакиллари иштирокида туман комиссияси иш фаолияти ўрганилганда, жиддий камчиликлар борлиги маълум бўлди. Чунончи, сайлов тўғрисидаги Қонун ҳамда Олий Мажлис Сенати тавсия этган намунавий шакллар ишчи гуруҳларига тўлиқ тарқатилмаган. Улар тегишли жойларга ҳали етиб бормаган. Вилоят кўмаклашувчи комиссияси ушбу камчилик ва нуқсонларни эътиборга олиб, туман комиссияси ҳанузгача иш фаолиятини бошламаган, деган хулосага келди.

Шунингдек, вилоят кўмаклашувчи комиссияси таҳририятга тақдим этган маълумотномаларда Бекобод тумани кўмаклашувчи комиссияси ишига ҳам муносиб баҳо берилган. Унда аввало, "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонун ҳамда Олий Мажлис Сенати тавсия этган намунавий шакллар ишчи гуруҳларига тўлиқ тарқатилганлиги, ишлар режа асосида ташкил этилаётгани таъкидланган. Аммо, туман комиссиясининг ишида камчиликлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, комиссия хонаси ва иш юритиш ҳужжатлари тўлиқ шакллантирилмаган. Оммавий ахборот воситаларида чиқишлар етарли эмас.

Юқоридаги туманлар кўмаклашувчи комиссиялари фаолиятида кўзга ташланаётган камчиликларни атрофлича ўрганиб, таҳлил этган вилоят кўмаклашувчи комиссияси ишни жонлантиришга қаратилган зарур тавсиялар берди.

Матбуот анжумани

ЙИГИРМА ЙИЛЛИК ҲАМКОРЛАР

24 октябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти куни нишонланди.

Сана муносабати билан пойтахтимиздаги "Dedeman Silk Road" меҳмонхонасида "БМТ ва Ўзбекистон ҳамкорлигининг 20 йиллиги" мавзусида ҳамкорлар, халқаро, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида матбуот анжумани ўтказилиб, иштирокчиларга аҳоли фаровонлигини юксалтириш мақсадида амалга оширилаётган кенг кўламли фаолият билан таништирувчи "БМТ ва Ўзбекистон" рисоласи тақдим этилди. Рисолада иқтисодиёт, ижтимоий ҳимоя, таълим, соғлиқни сақлаш, ОИВ/ОИТСга қарши кураш, гендер тенглиги, атроф-муҳит муҳофазаси ва самарали бошқарув каби соҳаларда Ўзбекистон ҳукумати билан ҳамкорлик натижалари ҳақида маълумотлар келтирилган.

– Тошкент вилоятида амалга ошираётган қатор лойиҳаларимиз ҳам яхши самара беряпти, – деди БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Стефан Приснер. – Яқинда Зангиота туманида "Электрон суд" концепциясини жорий этдик. Бу фуқаролик ишлари бўйича бошқарувни такомиллаштириш, суд ходимларининг салоҳиятини ошириш ва судлар ёрдамида фуқаролар ҳуқуқларини тиклашни таъминлашга хизмат қиляпти.

Хуршида МЎМИНОВА.

ГАЗЕТА КОМПЬЮТЕРЛИ БЎЛДИ

"Бўстонлиқ овози" газетаси бош муҳаррири Манзура Алиохунованинг қувончи чексиз. Пойтахтдаги "Dedeman Silk Road" меҳмонхонасида босма оммавий ахборот воситалари таҳририятларининг моддий-техник базасини ривожлантириш лойиҳаси доирасида 24 та ҳудудий босма ОАВ таҳририятлари қаторида туман газетасига ҳам компьютер жамланмаси топширилди.

– Таҳририятимизда шу замонавий воситалар етишмас эди, – дейди газета бош муҳаррири Манзура Алиохунова. – Лойиҳа ташкилотчиларининг ҳатто туман газеталари моддий-техник аҳволини яхшилаш бўйича жон куйдираётганидан мамнунмиз. Берилган рағбат кўнглимизни тоғдек кўтарди, янада тез ва самарали ишлашимизга имконият яратилди.

Тақдирлаш маросимидан сўнг марказий ва ҳудудий ОАВ журналистлари учун "Оммавий ахборот воситаларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши – миллий ахборот маконининг жадал ривожланиши кафолати" мавзуида семинар иш бошлади. У мустақил босма ОАВ ҳамда ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди шунингдек, парламент комиссияси ҳамкорлигида ташкил этилди. Маърузачилар "ОАВнинг қўллаб-қувватланиши – миллий матбуотимиз сифати, маҳорат ва таъсирчанлигини ошириш мезони", "Жамоатчиликни давлат ҳокимияти органлари фаолияти тўғрисида хабардор этиш масалаларини такомиллаштириш" ва "ННТ лар лойиҳаларини амалга оширишда ОАВ иштирокининг аҳамияти" мавзуларида сўз юритишди.

Феруза ТЎРАЕВА.

ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2013 йил 27 ноябрь соат 10.00 да очиқ тендер ўтказилади.

1. ВХ-439 й.т. "Тўйтепа АББ - Ўртасарой - Қўйлиқ АШБ" (такрорий)
2. ВХ-464 й.т. "Боғзор қўрғони - Ширин АШБ" (такрорий)
3. ВХ-525 й.т. "Жамбул қишлоғи - ТошДАУ" (такрорий)
4. ВХ-575 й.т. "Чиноз - Тошкент (Жанубий вокзал АШБ)" (такрорий)
5. ВХ-582 й.т. "Чиноз - С. Раҳимов ф.у." (такрорий)
6. ВХ-583 й.т. "Чиноз шаҳри - Йўл тушган маҳалласи - Чиноз пахта заводи" (такрорий)
7. ВХ-585 й.т. "Чиноз шаҳарчаси - Чиноз балиқ бозори" (такрорий)
8. ВХ-586 й.т. "Чиноз шаҳри - Яллама қишлоғи" (такрорий)
9. ВХ-307 й.т. "Ниёзбош қишлоғи - Гулбаҳор қўрғони" (такрорий)
10. ВХ-534 й.т. П "Гулистон маҳалласи (Саидота қабристони) - Юнусобод" (такрорий)
11. ВХ-588 й.т. "Олмазор қўрғони -Тошкент АББ" (такрорий)
12. ВХ-379 й.т. "Паркент АШБ - Невич қишлоғи" (такрорий)
13. ВХ-435 й.т. "Ўзбекистон ф/у - Оқ тепа қ.ф.й." (такрорий)
14. ВХ-436 й.т. "Пискент АШБ - Қўрғонтепа маҳалласи" (такрорий)
15. ВХ-289 й.т. "Янгийўл АШБ - Миришкор қишлоғи" (такрорий)
16. ВХ-338 й.т. "Тўқай ёқа қишлоғи - Ангрен деҳқон бозори" (такрорий)
17. ВХ-339 й.т. "Олмалиқ АШБ - Қизилой қишлоғи" (такрорий)
18. ВХ-444 й.т. "Тўйтепа АББ - ТошДАД - Навоий ф/у" (такрорий)
19. ВХ-342 й.т. "Санам қишлоғи - Ангрен деҳқон бозори" (такрорий)
20. ШИ-15 й.т. "Қорабоғ маҳалласи - Янги Жигаристон маҳалласи" (Ангрен ш) (такрорий)
21. ВХ-432 й.т "Корасув қўрғони - Бургалик қишлоғи" (такрорий)
22. ВХ-340 й.т. "Ангрен АШБ - Оҳангарон АШБ" (такрорий)
23. ВХ-374 й.т. "Паркент АШБ - Сўқоқ қишлоғи" (такрорий)
24. ВХ-402 й.т. П "Хондайлиқ қишлоғи - Марказий шифохона" (такрорий)
25. ВХ-402 й.т. "Хондайлиқ қишлоғи - Марказий шифохона" (такрорий)
26. ВХ-404 й.т. "ўалабасой қишлоғи - ўазалкент АШБ" (такрорий)
27. ВХ-373 й.т. "Паркент АШБ - Бодомтепа м.ф.й." (такрорий)
28. ВХ-315 й.т. "Алимкент қўрғони - Бўка АШБ" (Ўзбекистон ф/у орқали) (такрорий)
29. ВХ-316 й.т. "Бўка - Гулистон ф.у" (Кўқорол орқали) (такрорий)
30. ВХ-317 й.т. "Бўка - Қашқадарё ф.у" (Т. Ражабов орқали) (такрорий)
31. ВХ-344 й.т. "Қайтмас қишлоғи - Тўйтепа АШБ" (такрорий)
32. ВХ-345 й.т. "Тўйтепа АББ - Кучлик қўрғони" (такрорий)
33. ВХ-434 й.т. "А. Икромов ф/у - Тўйтепа АШБ" (такрорий)
34. ВХ-445 й.т. "Қўйлиқ АШБ - Бешбой ф/у" (такрорий)
35. ВХ-368 й.т. "Паркент АШБ - "Гулбоғ" қ.ф.й. хирмони" (такрорий)
36. ВХ-388 й.т. "Паркент АШБ - Кумушкон қишлоғи" (такрорий)
37. ВХ-391 й.т. "Бўка АШБ - Қўйлиқ АШБ" (такрорий)
38. ВХ-230 й.т "Янгийўл АШБ - Эпкенди қишлоғи" (такрорий)
39. ВХ-234 й.т "Янгийўл АШБ - Хўжаобод қишлоғи" (такрорий)
40. ВХ-250 й.т "Бўка АШБ - Туркистон ф.у. (Дўстлик маҳалласи орқали)" (такрорий)
41. ВХ-252 й.т. "Бўка АШБ - Дўстлик ф.у. (Жамбул ф.у. ва Қорабоғ қишлоғи орқали)" (такрорий)
42. ВХ-253 й.т. "Уч ариқ - Марказий касалхона" (такрорий)
43. ШИ-27 й.т. "ЎзКТЖМ - 8-кичик ноҳия" (Чирчиқ ш.) (такрорий)
44. ШИ-11 й.т. "Катта айланма" (Чирчиқ ш.) (такрорий)
45. ВХ-225 й.т. "Янгийўл деҳқон бозори - Кушек қишлоғи" (такрорий)
46. ВХ-258 й.т. "Олмазор қўрғони - Эшонобод қ.ф.й" (такрорий)
47. ВХ-259 й.т. "Янгийўл шаҳар деҳқон бозори - Бек барака бозори" (такрорий)
48. ВХ-481 й.т. "ўишт завод - Пахтакор АШБ" (такрорий)
49. ВХ-454 й.т. "Иттифоқ маҳалласи - Жанубий вокзал АШБ" (такрорий)
50. ШИ-20 й.т. "Кимёгар шаҳарчаси - Гагарин кўчаси" (Олмалиқ ш) (такрорий)
51. ВХ-404 й.т. "ўалабасой қишлоғи - ўазалкент АШБ" (такрорий)
52. ВХ-203 "Лубзавод - Қўйлиқ АШБ"
53. ВХ-284 й.т. "Уяли қишлоғи - Янгийўл"
54. ВХ-289 й.т. "Янгийўл АШБ - Миришкор қишлоғи"
55. ВХ-305 й.т. "Гулбаҳор шаҳарчаси - Дам олиш уйи"
56. ВХ-305 й.т.П "Дам олиш уйи - Гулбаҳор шаҳарчаси"
57. ВХ-318 й.т. "Йилқичи м.ф.й. - Қўйлиқ АШБ"
58. ВХ-320 й.т. "Олмалиқ АШБ - Эйвалек қўрғони"
59. ВХ-333 й.т. "Олмалиқ АШБ - Пискент АШБ"
60. ВХ-336 й.т. "Оҳангарон АШБ - Олмалиқ АШБ"
61. ВХ-343 й.т. "Олмалиқ АШБ - Жар қишлоғи"
62. ВХ-349 й.т. "Олға қишлоғи (Қурсой) - Жумабозор"
63. ВХ-370 й.т.П "Кавардон қишлоғи - Янгибозор АШБ"
64. ВХ-396 й.т. "Оҳангарон АШБ - Қўйлиқ АШБ"
65. ВХ-396 й.т.П "Оҳангарон АШБ - Қўйлиқ АШБ"
66. ВХ-399 й.т. П "Дўстобод АШБ - Отажонов ф/у"
67. ВХ-400 й.т. "Дўстобод АШБ - Чиноз шаҳри (Меҳнатобод орқали)"
68. ВХ-400 й.т.П "Дўстобод АШБ - Чиноз шаҳри (Меҳнатобод орқали)"
69. ШИ-2 й.т. "Камола дорихона - Кимёгар шаҳарчаси" (Олмалиқ ш)
70. ШИ-11 й.т. "Қўрғонча кўчаси - 5/3-кичик ноҳия" (Олмалиқ ш)
71. ШИ-25 й.т. "5/2-кичик ноҳия - Аммофос ОАЖ" (Олмалиқ ш)
72. ШИ-8 й.т. "А. Қодирий маҳалласи - Тиббиёт коллежи" (Олмалиқ ш)
73. ШИ-18 й.т.п "Аммофос ОАЖ - Қалмоққир бошқармаси" (Олмалиқ ш)
74. ШИ-28 й.т. "У. Носир маҳалласи - Аммофос ОАЖ" (Олмалиқ ш)
75. ШИ-21 й.т. "Тиббиёт коллежи - Ойдин - Марказий бозор - Қалмоққир станцияси" (Олмалиқ ш)
76. ВХ-411 й.т. "Олмалиқ АШБ - Убайт - Узар - Эйвалек қўрғони"
77. ВХ-596 й.т. "Олмалиқ АШБ - А. Икромов қ.ф.й."
78. Битта пакет билан:
ВХ-509 "Чирчиқ АББ - Саёҳат АШБ"
ВХ-504 "Газалкент АШБ - Чирчиқ АББ (Бараж)"
ВХ-505 "Чирчиқ АББ - Оқ тош қишлоғи"
ВХ-523 "Октябрь бозори - Мой қишлоғи - Машинасозлар АШБ"

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 17 августдаги 350-сонли, 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли, 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли ва Тошкент вилояти ҳокимининг 2011 йил 22 февралдаги 49-сонли қарорларига асосан, очиқ тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган, давлат солиқ хизмати органларида ҳисобда турадиган автомобиль транспортида тегишли равишда шаҳар, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро йўловчилар ташишларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга ҳамда тендер таклифларида тавсия этилаётган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия карточкаларига эга бўлган ҳар қандай юридик шахс қатнашиши мумкин. Ҳар бир транспорт воситасини битталаб кўрикдан ўтказиш бўйича белгиланган намунадаги, йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳудудий бошқармаси муҳри билан тасдиқланган ижобий хулосали далолатноманинг мавжуд бўлиши қатнашчи учун мажбурий шарт ҳисобланади. Тендер қатнашчиси айнан битта автотранспорт воситаларни ҳар хил йўналишларга тавсия этишга ҳақли эмас.

Тугатиш ёки банкротлик босқичида турган ёхуд мулкига арест солинган талабгорларнинг тендерда қатнашишига йўл қўйилмайди.

Тендер ташкилотчиси - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Тошкент вилояти ҳокимининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2010 йил 18 октябрдаги 247-сонли қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси.

Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Авиасозлар кўчаси, 4/68-уй.

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти ҳисоб рақамига "Ўзсаноатқурилиш Банк" (ОПЕРО ТГРФ УзПСБ)ининг Тошкент шаҳридаги Минтақавий бўлими 20210000404661167001 (банк коди 00424, ИНН 300625470, ХХТУТ 51600)га энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорида пул ўтказиб, 2013 йил 22 ноябрь соат 17.00гача буюртма беришлари лозим.

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси тендер таклифларини 2013 йил 26 ноябрь соат 17.00гача қабул қилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Авиасозлар кўчаси, 4/68-уй, Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти биноси. Маълумот учун телефон: (+99871) 294-92-43.

ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги Р-2146-сонли Фармойиши билан тасдиқланган "Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари директорларини танлаш ва тайинлаш тўғрисидаги Низом"га асосан қуйидаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг вакант (бўш) бўлган ДИРЕКТОР ЎРИНБОСАРЛАРИ ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари	Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари	Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари
Ангрен ахборот технологиялари ва саноат КҲК	Ангрен кўмир саноати КҲК	Ангрен автоматика ва сервис КҲК
Ангрен кўмир саноати КҲК	Ангрен политехника КҲК	Бекобод шаҳар қурилиш ва коммунал хўжалиги КҲК
Ангрен политехника КҲК	Ангрен шаҳар академик лицейи	Бекобод техника-иқтисодиёт КҲК
Ангрен шаҳар академик лицейи	Ангрен иқтисодиёт ва тадбиркорлик КҲК	Олмалиқ кон-металлургия КҲК
Ангрен автоматика ва сервис КҲК	Бекобод саноат КҲК	Олмалиқ кончилик КҲК
Ангрен иқтисодиёт ва тадбиркорлик КҲК	Олмалиқ кон-металлургия КҲК	Олмалиқ қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги КҲК
Бекобод саноат КҲК	Олмалиқ кончилик КҲК	Олмалиқ ижтимоий-иқтисодиёт ва сервис КҲК
Олмалиқ ижтимоий-иқтисодиёт ва сервис КҲК	Олмалиқ саноат КҲК	Чирчиқ ижтимоий-иқтисодиёт коллежи
Олмалиқ кончилик КҲК	Олмалиқ қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги КҲК	Чирчиқ техника КҲК
Олмалиқ академик лицейи	Олмалиқ АЛ	Чирчиқ қурилиш ва коммунал хўжалиги КҲК
Чирчиқ техника КҲК	Чирчиқ қурилиш ва коммунал хўжалиги КҲК	Чирчиқ саноат КҲК
Чирчиқ қурилиш ва коммунал хўжалиги КҲК	Чирчиқ ижтимоий-иқтисодиёт коллежи	Бекобод тумани Далварзин маиший хизмат КҲК
Бекобод тумани агросервис ва иқтисодиёт КҲК	Чирчиқ академик лицейи	Бекобод тумани қишлоқ хўжалиги КҲК
Бекобод тумани техника-иқтисодиёт КҲК	Бекобод тумани қишлоқ хўжалиги КҲК	Бекобод тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги КҲК
Бўка тумани агроиқтисодиёт КҲК	Бекобод тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги КҲК	Бекобод агросервис ва иқтисодиёт КҲК
Бўка тумани Бўстон қишлоқ хўжалиги КҲК	Бекобод тумани педагогика коллежи	Бекобод тумани техника-иқтисодиёт КҲК
Бўка тумани педагогика коллежи	Бекобод агросервис ва иқтисодиёт КҲК	Бекобод тумани саноат ва транспорт КҲК
Бўка агротадбиркорлик КҲК	Бекобод тумани техника-иқтисодиёт КҲК	Бўка тумани Бўстон қишлоқ хўжалиги КҲК
Бўстонлиқ тумани қишлоқ хўжалиги ва тадбиркорлик КҲК	Бўка маиший хизмат кўрсатиш КҲК	Бўка тумани педагогика коллежи
Бўстонлиқ тумани хизмат кўрсатиш ва энергетика КҲК	Бўка тумани Бўстон қишлоқ хўжалиги КҲК	Бўка қурилиш ва сервис КҲК
Бўстонлиқ туризм ва сервис КҲК	Бўка тумани педагогика коллежи	Бўка агротадбиркорлик КҲК
Зангиота тумани агросервис КҲК	Бўка тумани агроиқтисодиёт КҲК	Бўстонлиқ тумани қишлоқ хўжалиги ва тадбиркорлик КҲК
Зангиота қурилиш ва тадбиркорлик КҲК	Бўка агротадбиркорлик КҲК	Бўстонлиқ тумани тумани қурилиш ва коммунал хўжалиги КҲК
Зангиота академик лицейи	Бўстонлиқ тумани қурилиш ва коммунал хўжалиги КҲК	Бўстонлиқ тумани хизмат кўрсатиш ва энергетика КҲК
Зангиота тумани транспорт ва сервис КҲК	Бўстонлиқ тумани қишлоқ хўжалиги ва тадбиркорлик КҲК	Бўстонлиқ туризм ва сервис КҲК
Зангиота Кенсой агросаноат ва бизнес КҲК	Бўстонлиқ тумани Товоқсой иқтисодиёт ва тадбиркорлик КҲК	Зангиота озиқ-овқат КҲК
Зангиота тумани ижтимоий-иқтисодиёт коллежи	Бўстонлиқ туризм ва сервис КҲК	Зангиота қурилиш ва тадбиркорлик КҲК
Зангиота тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги КҲК	Зангиота қурилиш ва тадбиркорлик КҲК	Зангиота агросаноат КҲК
Зангиота тумани маиший хизмат ва тадбиркорлик КҲК	Зангиота агросаноат КҲК	Зангиота тумани маиший хизмат ва тадбиркорлик КҲК
Зангиота тумани хизмат кўрсатиш КҲК	Зангиота озиқ-овқат КҲК	Зангиота транспорт ва сервис КҲК
Оққўрғон тумани агросаноат ва тадбиркорлик КҲК	Зангиота тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги КҲК	Зангиота тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги
Оққўрғон тумани транспорт ва сервис КҲК	Зангиота тумани маиший хизмат ва тадбиркорлик КҲК	Зангиота тумани хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи
Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари	**Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари**	**Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари**
Оҳангарон тумани "Нуробод" энергетика ва иқтисодиёт КҲК	Зангиота академик лицейи	Оққўрғон тумани агросаноат ва тадбиркорлик КҲК
Оҳангарон маиший хизмат КҲК	Зангиота тумани ижтимоий-иқтисодиёт коллежи	Оққўрғон ижтимоий-иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш коллежи
Оҳангарон агроиқтисодиёт КҲК	Зангиота тумани хизмат кўрсатиш КҲК	Оҳангарон саноат КҲК
Паркент агросаноат КҲК	Оққўрғон қурилиш ва коммунал хўжалиги КҲК	Оҳангарон маиший хизмат КҲК
Паркент тумани транспорт ва сервис КҲК	Оққўрғон тумани агробизнес ва сервис КҲК	Оҳангарон тумани "Нуробод" энергетика ва иқтисодиёт КҲК
Паркент ижтимоий-иқтисодиёт КҲК	Оққўрғон ижтимоий-иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш КҲК	Оҳангарон тумани транспорт ва сервис КҲК
Пискент қурилиш ва миллий ҳунармандчилик КҲК	Оққўрғон транспорт ва сервис КҲК	Оҳангарон тумани педагогика ва ижтимоий иқтисодиёт КҲК
Пискент саноат иқтисодиёт ва сервис КҲК	Оққўрғон тумани агросаноат ва тадбиркорлик КҲК	Оҳангарон агросаноат ва иқтисодиёт КҲК
Пискент маиший хизмат ва тадбиркорлик КҲК	Оҳангарон саноат КҲК	Паркент тумани транспорт ва сервис КҲК
Чиноз агросаноат ва тадбиркорлик КҲК	Оҳангарон маиший хизмат КҲК	Паркент тумани агросаноат ва сервис КҲК
Чиноз тумани хизмат кўрсатиш иқтисодиёт КҲК	Оҳангарон "Нуробод" энергетика ва иқтисодиёт КҲК	Паркент ижтимоий-иқтисодиёт КҲК
Чиноз қурилиш ва иқтисодиёт КҲК	Оҳангарон тумани педагогика ва ижтимоий иқтисодиёт КҲК	Паркент агросаноат КҲК
Ўрта Чирчиқ агросаноат ва транспорт КҲК	Оҳангарон тумани агросаноат ва иқтисодиёт КҲК	Паркент тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш КҲК
Ўрта Чирчиқ ижтимоий-иқтисодиёт коллежи	Оҳангарон агроиқтисодиёт КҲК	Паркент педагогика ва иқтисодиёт КҲК
Ўрта Чирчиқ тумани саноат ва сервис КҲК	Паркент тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш КҲК	Пискент агросаноат ва иқтисодиёт КҲК
Ўрта Чирчиқ педагогика ва хизмат кўрсатиш КҲК	Паркент тумани транспорт ва сервис КҲК	Пискент маиший хизмат ва тадбиркорлик КҲК
Ўрта Чирчиқ миллий ҳунармандчилик, дизайн ва сервис КҲК	Паркент педагогика ва иқтисодиёт КҲК	Пискент қурилиш ва миллий ҳунармандчилик КҲК
Қуйи Чирчиқ агроиқтисодиёт КҲК	Паркент ижтимоий-иқтисодиёт КҲК	Пискент хизмат кўрсатиш ва технология КҲК
Қуйичирчиқ ижтимоий-иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш КҲК	Пискент маиший хизмат ва тадбиркорлик КҲК	Пискент саноат иқтисодиёт ва сервис КҲК
Тошкент вилояти педагогика коллежи	Пискент қурилиш ва миллий ҳунармандчилик КҲК	Чиноз "Олмазор" қишлоқ хўжалиги КҲК
Қибрай молия-иқтисодиёт коллежи	Пискент саноат иқтисодиёт ва сервис КҲК	Чиноз тумани хизмат кўрсатиш иқтисодиёт КҲК
Қибрай тадбиркорлик КҲК	Пискент хизмат кўрсатиш ва технология КҲК	Чиноз саноат КҲК
Қибрай тумани Байтқўрғон хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт КҲК	Чиноз "Олмазор" қишлоқ хўжалиги КҲК	Чиноз қурилиш ва иқтисодиёт КҲК
Қибрай қишлоқ хўжалиги КҲК	Чиноз қурилиш ва иқтисодиёт КҲК	Ўрта Чирчиқ агросаноат ва транспорт КҲК
Юқори Чирчиқ транспорт ва иқтисодиёт КҲК	Ўрта Чирчиқ агросаноат ва транспорт КҲК	Ўрта Чирчиқ ахборот технологиялари ва сервис КҲК
Юқори Чирчиқ мактабгача таълим ва хизмат кўрсатиш КҲК	Ўрта Чирчиқ тумани қурилиш ва иқтисодиёт КҲК	Ўрта Чирчиқ педагогика ва хизмат кўрсатиш КҲК
Юқори Чирчиқ агросаноат ва иқтисодиёт КҲК	Ўрта Чирчиқ педагогика ва хизмат кўрсатиш КҲК	Ўрта Чирчиқ миллий ҳунармандчилик, дизайн ва сервис КҲК
Янгийўл технология-иқтисодиёт КҲК	Ўрта Чирчиқ тумани саноат ва сервис КҲК	Қуйи Чирчиқ саноат ва хизмат кўрсатиш КҲК
Янгийўл қишлоқ хўжалиги КҲК	Ўрта Чирчиқ миллий ҳунармандчилик, дизайн ва сервис КҲК	Қуйи Чирчиқ агроиқтисодиёт КҲК
Янгийўл Гулбаҳор саноат КҲК	Ўрта Чирчиқ ахборот технологиялари ва сервис КҲК	Қуйи Чирчиқ хизмат кўрсатиш ва сервис КҲК
	Қуйи Чирчиқ агроиқтисодиёт КҲК	
Янгийўл педагогика коллежи	Қуйи Чирчиқ қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги КҲК	Қуйи Чирчиқ ижтимоий-иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш КҲК
Янгийўл иқтисодиёт ва сервис КҲК	Қуйи Чирчиқ саноат ва хизмат кўрсатиш КҲК	Тошкент вилояти педагогика коллежи
	Қибрай агротижорат КҲК	Қибрай молия-иқтисодиёт коллежи
	Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари	**Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари**
	Қибрай молия-иқтисодиёт коллежи	Қибрай тадбиркорлик КҲК
	Юқори Чирчиқ транспорт ва иқтисодиёт КҲК	Қибрай тумани Чингелди маиший хизмат КҲК
	Юқори Чирчиқ мактабгача таълим ва хизмат кўрсатиш КҲК	Юқори Чирчиқ транспорт ва иқтисодиёт КҲК
	Юқори Чирчиқ қурилиш ва сервис КҲК	Юқори Чирчиқ қурилиш ва сервис КҲК
	Юқори Чирчиқ агросаноат ва иқтисодиёт КҲК	Юқори Чирчиқ агросаноат ва иқтисодиёт КҲК
	Янгийўл технология-иқтисодиёт КҲК	Янгийўл хизмат кўрсатиш КҲК
	Янгийўл академик лицейи	Янгийўл технология-иқтисодиёт КҲК
	Янгийўл ижтимоий-иқтисодиёт коллежи	Янгийўл қишлоқ хўжалиги КҲК
	Янгийўл педагогика коллежи	Янгийўл Гулбаҳор саноати КҲК
	Янгийўл қурилиш ва миллий ҳунармандчилик КҲК	Янгийўл педагогика коллежи
	Янгийўл қишлоқ хўжалиги КҲК	Янгийўл иқтисодиёт ва сервис КҲК
		Янгийўл қурилиш ва миллий ҳунармандчилик КҲК

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2012 йил 30 декабрдаги 341-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари" малака талабларига асосан танловда:

а) ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига академик лицей, КҲКнинг таълим йўналишларидан камида биттаси бўйича ёки умумтаълим фанлари бўйича олий маълумот (маданият, спорт ҳамда тиббиёт соҳаси бундан мустасно), таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажи 5 йилдан кам эмас, малакавий даражаси катта ўқитувчидан кам эмас;

б) маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимига ижтимоий фанлар бўйича ёки педагогик олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажи 5 йилдан кам эмас;

в) ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари лавозимига КҲКнинг билим соҳасига оид махсус фанлардан бири бўйича олий маълумот, 5 йилдан кам бўлмаган педагогик иш стажига эга бўлган номзодлар иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш ҳоҳишини билдирган номзодлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

1. Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи номига ариза;

2. Таълим муассаса директорининг тавсия хати;

3. Маълумотнома (объективка);

4. Сўровнома;

5. Таржимаи ҳол;

6. Маълумоти ҳақидаги ҳужжат ва унинг ксеронусхаси (нотариус томонидан тасдиқланган бўлиши керак);

7. Илмий даражаси ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳужжатлар ва уларнинг ксеронусхаси (мавжуд бўлса);

8. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);

9. 3 х 4 ўлчамдаги фотосурат (6 дона);

10. Номзоднинг таълим муассасасига раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзган режа (концепсия)си;

11. Ҳарбий гувоҳноманинг ксеронусхаси;

12. Паспорт ва унинг ксеронусхаси (турар жойи билан);

13. Меҳнат дафтарчасининг ксеронусхаси (кадрлар бўлими томонидан тасдиқланган бўлиши керак);

14. ИИБдан маълумотнома.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун мобайнида қабул қилинади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Фарҳод кўчаси, 3-уй. Индекс: 100121. Телефон: 150-40-37.

"SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари (мулклар) қўйилмоқда: 1. Паркент тумани СИБ томонидан 06.10.2010 й. № 1-349-сонли ижро ҳужжатига асосан 1978 й. и.ч. "Газ 5204" д.р. 10 А 786 ВА. Бошланғич баҳоси – 1 391 487,78 сўм. Паркент тумани, ХАТП 23-сонли автогаражда сақланмоқда (1). 2. Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан 19.08.2013 й. № 8988-сонли ижро ҳужжатига асосан 1998 й. и.ч. "Газ 3110" д.р. 10 W 031 FA. Бошланғич баҳоси – 6 741 381 сўм. Олмалиқ шаҳар ИИБ жарима майдонида сақланмоқда (2). 3. Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан 17.09.2012 й. № 17943-сонли ижро ҳужжатига асосан 2009 й. и.ч. "Матиз" д.р. 01 Е 267 ЕА. Бошланғич баҳоси – 16 100 000 сўм. 4. Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан 31.05.2010 й. № 8252-сонли ижро ҳужжатига асосан 1988 й. и.ч. "Москвич 412" д.р. 11 S 845 ВА. Бошланғич баҳоси – 1 311 448 сўм. 5. Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан 19.05.2008 й. № 2777-сонли ижро ҳужжатига асосан 1984 й. и.ч. "Москвич 412" д.р. 11 V 6328. Бошланғич баҳоси – 460 989,77 сўм. 6. Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан 10.02.2013 й. № 433-сонли ижро ҳужжатига асосан 1985 й. и.ч. "Урал" д.р. 6981 ТША. Бошланғич баҳоси – 746 140 сўм. Олмалиқ шаҳар 1-сонли ИИБда сақланмоқда (6). 7. Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан 17.06.2010 й. № 9297-сонли ижро ҳужжатига асосан 1987 й. и.ч. "Газ 24" д.р. 11 Т 8467. Бошланғич баҳоси – 582 962 сўм. 8. Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан 31.05.2010 й. № 8252-сонли ижро ҳужжатига асосан 1983 й. и.ч. "Ваз 2105" д.р. 11 G 2126. Бошланғич баҳоси – 1 799 943 сўм. 9. Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан 06.10.2011 й. № 10376-сонли ижро ҳужжатига асосан 1984 й. и.ч. "Ваз 2102" д.р. 11 Т 7056. Бошланғич баҳоси – 1 172 444,80 сўм. 10. Бўка тумани СИБ томонидан 12.05.2008 й. № 11-0827/5280-сонли ижро ҳужжатига асосан 1996 й. и.ч. "2-ПТС 4-793" д.р. сиз. Бошланғич баҳоси – 655 209 сўм. 11. Чилонзор тумани СИБ томонидан 20.12.2011 й. № 1-541-2011-сонли ижро ҳужжатига асосан 2006 й. и.ч. "Iveko" д.р. 31 R 1924. Бошланғич баҳоси – 84 568 750,15 сўм. 12. Чилонзор тумани СИБ томонидан 20.12.2011 й. № 1-541-2011-сонли ижро ҳужжатига асосан 2006 й. и.ч. "Hatsan" д.р. 31 R 2316. Бошланғич баҳоси – 44 538 838,6 сўм. "Арк булоқ" ТИФ пости ҳудудида сақланмоқда (11,12). 13. Чилонзор тумани СИБ томонидан 20.12.2012 й. № 1-985/12-сонли ижро ҳужжатига асосан 2010 й. и.ч. "Ласетти" д.р. 60 151 JAA. Бошланғич баҳоси – 34 676 336,7 сўм. 14. Чилонзор тумани СИБ томонидан 23.04.2013 й. № 1-493-13-сонли ижро ҳужжатига асосан 2005 й. и.ч. "Матиз" д.р. 11 Z 3138. Бошланғич баҳоси – 12 469 325,5 сўм. "Space Arsenal Servis" МЧЖда сақланмоқда (13,14). 15. Чилонзор тумани СИБ томонидан 04.02.2013 й. № 1-575-17/2013-сонли ижро ҳужжатига асосан 2009 й. и.ч. "Нексия" д.р. 01 J 674 СА. Бошланғич баҳоси – 27 540 000 сўм. Чорсув жарима майдончасида сақланмоқда (15). 16. Олмазор тумани СИБ томонидан 12.06.2012 й. № 19628/17-сонли ижро ҳужжатига асосан 1979 й. и.ч. "Ваз 2103" д.р. 30 Е 5742. Бошланғич баҳоси – 1 960 797,8 сўм. Себзор жарма майдончасида сақланмоқда (16). Аукцион савдоси 2013 йил 11 ноябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. 17. Бекобод тумани СИБ томонидан 23.09.2013 й. № 16150-сонли ижро ҳужжатига асосан 2005 й. и.ч. "Нексия" д.р. 11 J 946 DA. Бошланғич баҳоси – 13 635 346 сўм. 18. Бекобод тумани СИБ томонидан 15.07.2013 й. № 13515-сонли ижро ҳужжатига асосан 1983 й. и.ч. "Москвич" д.р. 10 D 8096. Бошланғич баҳоси – 757 541 сўм. Бекобод тумани Ёшлик ХХСК майдончасида сақланмоқда (17,18). 19. Бекобод тумани СИБ томонидан 02.10.2013 й. № 216626-сонли ижро ҳужжатига асосан 1986 й. и.ч. "BMW" д.р. 11 S 4437. Бошланғич баҳоси – 10 330 000 сўм. 20. Бекобод тумани СИБ томонидан 02.10.2013 й. № 16624-сонли ижро ҳужжатига асосан 1997 й. и.ч. "Нексия" д.р. 10 F 964 АА. Бошланғич баҳоси – 15 097 000 сўм. 21. Бекобод тумани СИБ томонидан 02.10.2013 й. № 216625-сонли ижро ҳужжатига асосан 2012 й. и.ч. "Каптива" д.р. 77 108 000. Бошланғич баҳоси – 15 097 000 сўм. Бекобод тумани ИИБ ДАНБ жарима майдончасида сақланмоқда (19,20,21). 22. Оққўрғон тумани СИБ томонидан 27.08.2010 й. ижро ҳужжатига асосан 2004 й. и.ч. "Нексия" д.р. 11 TV 192. Бошланғич баҳоси – 6 465 839 сўм. Оққўрғон тумани ДСИ майдончасида сақланмоқда (22). 23. Учтепа тумани СИБ томонидан 11.11.2011 й. ижро ҳужжатига асосан 1993 й. и.ч. "Mercedes-Bens" д.р. 10 AP 694. Бошланғич баҳоси – 22 878 460 сўм. 24. Учтепа тумани СИБ томонидан 11.11.2011 й. ижро ҳужжатига асосан 1997 й. и.ч. "Tico" д.р. 01 432 КВА. Бошланғич баҳоси – 7 908 282 сўм. 25. Зангиота тумани СИБ томонидан № 7704/22-сонли ижро ҳужжатига асосан 2009 й. и.ч. "ГБА СПГ Ласетти" д.р. 10 Y 880 FA. Бошланғич баҳоси – 40 000 000 сўм. Миробод тумани, Шевченко кўчаси, 29-уйда сақланмоқда (25). 26. Зангиота тумани СИБ томонидан № 269-сонли ижро ҳужжатига асосан 2002 й. и.ч. "DAF TE 95 XF" д.р. X 074 UEN. Бошланғич баҳоси – 100 253 000 сўм. 27. Зангиота тумани СИБ томонидан № 269-сонли ижро ҳужжатига асосан 2000 й. и.ч. "LAMBERET" д.р. 8429 ХС. Бошланғич баҳоси – 35 873 000 сўм. Зангиота тумани "Зохир Техно Мастер" МЧЖ омборида сақланмоқда (26,27). 28. Тошкент шаҳар Ҳудудий бошқармаси томонидан 21.08.2013 й. № 403/13-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 6-мавзе, 6/1-уйда жойлашган "Mobile And Sportive" МЧЖга тегишли мол-мулклар қўйилмоқда. I. Облучатель Кварц-1. Бошланғич баҳоси – 212 500 сўм. II. Щелевая лампа со столом модель ST 2201. Бошланғич баҳоси – 12 436 862 сўм. III. Облучатель Кварц-4 настенный 15 дона. Бошланғич баҳоси – 2 700 000 сўм. IV. Электрокардиограф трех/шестиканальный переносной ЭК3/6Т-01 "Альтон". Бошланғич баҳоси – 5 184 402 сўм. V. Стоматологическая установка модель KD-828M. Бошланғич баҳоси – 9 260 246 сўм. VI. Аппарат для ультразвуковой терапии "УЗТ-1.01Ф". Бошланғич баҳоси – 1 530 000 сўм. VII. Цифровой магнитно-резонансный томограф Brivo MR355 1.5T. Бошланғич баҳоси – 2 503 617 684 сўм. VIII. Аналоговая рентгенографическая система модель, XR 6000. Бошланғич баҳоси – 210 498 336 сўм. IX. УЗД сканер GE Logiq P5. Бошланғич баҳоси – 109 101 705 сўм. X. Бинокулярный микроскоп N-300M. Бошланғич баҳоси – 2 305 603 сўм. XI. Термостат электрический суховоздушный, модель ТС1-80 СПУ. Бошланғич баҳоси – 1 354 073 сўм. XII. Электрокардиограф Cardiovit AT-101 Schiller AG. Бошланғич баҳоси – 9 607 505 сўм. XIII. Гематологический анализатор "Mindray" модель BC-2300. Бошланғич баҳоси – 18 524 823 сўм. XIV. Анализатор мочи "Mindray" модель UA-66. Бошланғич баҳоси – 2 315 062 сўм. XV. Иммуноферментгый анализатор "Mindray" модель MR-96A. Бошланғич баҳоси – 12 779 140 сўм. XVI. Полуавтоматический биохимический анализатор "Mindray" модель BA-88A. Бошланғич баҳоси – 8 334 222 сўм. XVII. Аппарат для дарсонвализации "Искра-1М". Бошланғич баҳоси – 680 000 сўм. XVIII. Медицинские электронные весы ВЭМ-150 "Масса-К" (АЗ). Бошланғич баҳоси – 1 040 229 сўм. XIX. Весы электронные настольные для новорожденных В1-15 "Саша". Бошланғич баҳоси – 529 854 сўм. XX. Аквадистилляторэлектрический ДЭ-4-2. Бошланғич баҳоси – 1 321 866 сўм. XXI. Одноканальный анализатор-коагуломерт HumaClot Junior. Бошланғич баҳоси – 7 675 098 сўм. XXII. Аппарат тракционный модель BTL-16Plus. Бошланғич баҳоси – 20 421 474 сўм. XXIII. Ванна гидротерапевтическая BTL-3000. Бошланғич баҳоси – 26 882 322 сўм. XXIV. Терапевтическая кушетка BTL. Бошланғич баҳоси – 3 545 805 сўм. XXV. Аппарат для очистки кишечника Colon-Hydromat comfort. Бошланғич баҳоси – 47 613 268 сўм. XXVI. Аппарат "Здоровье АЗ-1". Бошланғич баҳоси – 947 813 сўм. XXVII. Авторефрактометр/Авторефрактометр Huvitz модель HRK-7000A. Бошланғич баҳоси – 24 634 978 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 26 ноябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари (мулклар) билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси (мулк) бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси (мулк) учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси - "SPARETRA" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО 01103, СТИР 301829604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси (мулк) қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55. Гувоҳнома № 004593.

БАРЧА ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР, ШУ ЖУМЛАДАН, ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси оммавий оферта савдоларига таклиф этади. Қуйидаги давлат активлари бўйича оммавий оферта элон қилинади:

№	Объект номи	Юридик манзили	Балансда сақловчи номи ва манзили	Объект тавсифи	Бошланғич нархи сўмда	Балансда сақловчининг фаолият ихтисоси	Инвестиция ва бошқа мажбуриятларининг энг кам ҳажми
1	Дўкон бино иншоотлари	Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, 4-кичик ноҳия, 6-уйнинг биринчи қавати	Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, А.Темур кўчаси, 1-уй	Бинонинг қурилиш ости майдони – 1430,08 кв.м., фойдаланиш майдони 1187,67 кв.м	723 424 500,0	Маъмурий бошқарув	–
2	246-уйнинг биринчи қаватида жойлашган нотураржой қисми	Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, А.Навоий кўчаси	Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, А.Темур кўчаси, 1-уй	Бинонинг қурилиш ости майдони - 93,47 кв.м., фойдаланиш майдони 71,85 кв.м	52 635 600,0	Маъмурий бошқарув	–
3	Нотураржой биноси	Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, "Наврўз" Қ.Ф.Й., "Наврўз" маҳалласи	Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги, Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Янгибозор қўрғони	Ер майдони 1,03 гектар, биноларнинг қурилиш ости майдони 1455,72 кв.м.	638 539 200,0	Маъмурий бошқарув	Энг юқори миқдорда инвестиция киритиш ва янги иш ўринларини ташкил этиш
4	Гараж, устахона ва омборхона бинолари	Тошкент вилояти, Паркент тумани, Чанги қишлоғи	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг "Физика-Қуёш" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институти, Тошкент вилояти, Паркент тумани, Қуёш қўрғони	Ер майдони 1,57 гектар, биноларнинг қурилиш ости майдони 988,49 кв.м.	205 577 200,0	Илмий изланишлар олиб бориш	102 500,0 минг сўмдан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритиш, янги иш ўринларини ташкил этиш
5	Фаолият юритмаётган собиқ "Паргос нефть базаси"га қарашли мулклар	Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Товоқсой қўрғони ГЭС кўчаси	"Кучлик нефть базаси" УК, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Кучлик станцияси, Бобур кўчаси, 58-уй	Ер майдони 0,5108 гектар, биноларнинг қурилиш ости майдони 193,0 кв.м.	288 630 900,0	Нефть маҳсулотларини сақлаш ва тарқатиш	Сотиб олиш қийматининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритиш, янги иш ўринларини ташкил этиш

Олди-сотди шартномаларини тузиш шартлари: оммавий оферта натижалари эълон қилинган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан сотувчининг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим:

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси.

ўзазначилик ҳисоб рақами: 20042186026260000000002, СТИР 200555539.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ҲККМ 23402000300100001010, СТИР 201122919, МФО 00014.

Оммавий офертада қатнашишга буюртманома қабул қилиш, билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва 2013 йил 3 декабрь куни соат 8.00 да тамом бўлади.

Талабгорнинг таклифлари билдирилган конвертлари 2013 йил 3 декабрь куни соат 11.00 да Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси биносида очилади.

Оммавий офертага қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили оммавий оферта тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ўзи ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда оммавий офертада буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг оммавий офертада қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил оммавий офертада қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– оммавий оферта тўғрисидаги билдиришномада сотувчининг кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси;

– оммавий оферта шартларига мувофиқ тузилган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган икки нусхадаги

оғзи ёпиштирилган конвертларга солинган талабгор таклифлари;

– сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати;

– инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни тўлаш шакли, муддати ва шартлари;

– агар бу оммавий оферта шартларида белгиланган бўлса, қўшимча равишда талабгорнинг мол

ЎЗБЕКИСТОН – ХОРВАТИЯ 2:1

Бирлашган Араб Амирликларида давом этаётган 17 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси гуруҳ беллашувларини муваффақиятли якунлади.

Дастлаб Панама футболчиларини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, иккинчи турда Марокаш вакиллари билан дуранг ўйнаган ҳамюртларимиз учинчи тур учрашувини Фужайра шаҳрида Хорватия ўсмирлар терма жамоасига қарши ўтказди.

Дилшод Нуралиев шогирдлари кейинги босқичга чиқиш масаласини муддатидан олдин ҳал қилган бўлса, хорватияликлар мусобақадаги иштирокини давом эттириш учун камида дуранг ўйнаши лозим эди. Бироқ ўйинда Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси 2:1 ҳисобида зафар қучди.

Ўйиннинг 14-дақиқасида Достонбек Ҳамдамовнинг кучли зарбасини қайтаришга чоғланган хорватиялик ҳимоячи ўз дарвозасига тўп киритиб қўйди. Биринчи бўлимда рақиб жамоа етакчиси Алем Халилович ҳисобни тенглаштирди.

Иккинчи бўлимда яна устунликни ўз томонига оғдирган ҳамюртларимиз Жамшид Болтабоевнинг узоқ масофадан йўллаган зарбаси эвазига 2:1 ҳисобида ғалабага эришди.

Гуруҳдаги иккинчи учрашувда Марокаш ўсмирлар терма жамоаси панамалик футболчиларни 4:2 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Жами етти очко жамғариб, тўплар нисбатига кўра гуруҳда иккинчи ўринни эгаллаган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси нимчорак финал учрашувида Гондурас футболчиларига қарши ўйнайдиган бўлди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

Бокс

ВАКИЛЛАРИМИЗ ЯРИМ ФИНАЛДА

Бокс бўйича XVII жаҳон чемпионатида ўн вазн тоифасида чорак финал учрашувларини ўз фойдасига ҳал қилган жами қирқ нафар чарм қўлқоп устаси ярим финалга йўлланма олди.

Қозоғистон мезбонлик қилаётган бу йилги жаҳон чемпионатида 52 килограмм вазн тоифасида рингга чиқаётган ҳамюртимиз Жасурбек Латипов чорак финал учрашувини Лондон Олимпиадаси совриндори, ирландиялик Пэдди Барнсга қарши ўтказиб, рақибини катта устунлик билан мағлуб этди.

Тажрибали боксчимиз ярим финал жангини ўтган галги жаҳон чемпионати кумуш медали соҳиби, уэльслик Эндрю Сэлбига қарши ўтказади.

Жаҳон чемпионатида илк маротаба иштирок этаётган Осиё чемпиони – Ойбек Мамазулунов ҳам мухлису мутахассислар ишончини оқлаб, чемпионлик учун курашни давом эттирмоқда. У чорак финалда нидерландиялик Петер Мулленберг устидан зафар қучди. О. Мамазулунов финал йўлланмаси учун бўладиган кейинги баҳсда мезбонлар вакили Адилет Ниязимбетовга қарши рингга чиқади.

ЎзА.

Ибрат

ЖЎШИБ ОҚҚАН ДАРЁЛАР

Кексалик остонасида туриб, умрлари жўшиб оққан дарёдек кечган нуронийларимизни бир-бир ёдга оларканман, кўксим ёрқин ҳисларга тўлади. Уларнинг ҳаётлари, меҳнат фаолиятлари бугунги ёшларимиз учун шубҳасиз, ибрат мактаби.

Маҳалланинг текис асфальт йўли этагидаги ҳовлидан чиққан Эркинбой мени кузатиб турган экан, яқинлашувдим, киноя билан сўради:

– Ҳа, ака, ишгами?

– Ишга.

– Пенсияда эмасмидингиз?

– Ҳа, энди тарки одат амримаҳол. Бир шаҳар айланиб, дўст-биродарлар билан дийдорлашиб дегандай...

Эркинбой маънодор жилмайди:

– Бизнинг Валибой бобомизга ўхшаб-а? У кишини Оллоҳ раҳматига олган бўлсин, бир дала айланиб келай дердилар-да, эшакларига сал ёнбош ўтирганча, жўнаб қолардилар. Эслайсизми?

– Эслаганда қандоқ, – дейман-у, бундан ўттиз йиллар муқаддам бўлиб ўтган воқеалар ёдимга тушади. Ичимда соғинчми, ҳавасми, аллақандай тансиқ туйғулар жўш уради. Эркинбой ҳали ёш бўлса ҳам фаросатли йигит. Ахволимни сезиб, бошқа саволга тутмади. Чамаси у ҳам Валибой бобосининг (отасининг отаси) саховат-у, одамгарчиликда тенги йўқ фазилатларини эслаётгандир, соғинаётгандир.

Велосипедимда сассиз кетиб борарканман, Валибой бобонинг ажабтовур қарилик онлари кўз олдимдан кинотасмасидек ўта бошлади...

Ёз чилласидаги бир шошилинч йиғинда кадрлар бўлими бошлиғи шундай деди:

– Акбарали ва Валибой оталар 40 йил ҳалол меҳнат қилиб, пенсия ёшига етдилар. Улар кейинги ойдан бошлаб пенсионер ҳисобланадилар.

Валибой ота саросимага тушиб қолди. Сўз сўраб, аста қўл кўтарди.

– Эътибор учун раҳмат, – деди у тутилиб-тутилиб. – Мен ҳечам ишни чала қолдиришга одатланмаганман. Ой охирлаб қоляпти. 10 гектарли яхлит майдондаги ғўзага бугун сув тараётган эдим. Шу иш чала қолиб кетса...

– Қолиб кетмайди, – деди раҳбарлардан бири. – Уни ўзингиз ниҳоясига етказасиз. Шогирдлардан бордир ахир?

– Бор.

– Унда ошиғингиз олчи экан. Шундоқ бўлса ҳам энди шогирдлар ишидан кўз-қулоқ бўлиб, уларга иш ўргатиб турасиз-да. Ишлаб ўрганган одам уйда ўтиролмайди. Тани-жонингиз соғ экан, шу қадрдон далангиз ҳамиша сиз билан...

Валибой отанинг бўшаб қолган кўнгли қайта тўлгандек бўлиб: "Ҳар куни бир келиб кетавераман-да", деган сўзлар хаёлидан ўтди.

Ростдан ҳам шундай бўлди. Валибой ота бирор баҳона билан уйдан чиқади-да, қадрдон даласи, туну кун эринмай сув етаклаган экин майдонлари томон кетади. Шогирдлари ўзидек эмас, шошмашошар. Бир ишни бошлаб, тобида якунлашга сабрлари етмайди. Аммо Валибой ота таъна қилмайди. Суғоришни ўзи маромига етказади, кўнгли ҳам хотиржам бўлади.

Ўшанда Валибой отага касбдошлари, янги бригадир, қолаверса, бўлимнинг яқинда тайинланган бошқарувчиси ҳам ҳеч нарса демади. Салом-аликни қуюқ қилиб юраверишди. Нафсиламбрини айтганда, янги бригадирга ҳам, бошқарувчига ҳам холис, ишнинг кўзини биладиган бундай моҳир сувчининг йўл-йўриғи, кўмаги зарур эди.

Фақат ўғиллари оталарининг бундай тиниб-тинчимаслигидан хуноблари ошар, маҳалла-кўй олдида отасини қариганда ҳам ишлатиб қўйибди, деган исноддан ҳалак эдилар. Лекин борабора улар ҳам кўникдилар. Оталари саксондан ошса-да, ҳали руҳан тетик эди. Ўзи бир вақтлар тер тўкиб ишлаган майдонлар аллақачон фермерларга тақсимлаб берилганди. Улар гарчи ёрдамга муҳтож бўлишмаса ҳам отахонни самимий қарши олишар, деҳқончиликдаги баъзи сир-синоатлардан гап очиб, маслаҳат сўрашар, бундан Валибой отанинг кўнгли тоғдек кўтариларди. Нуроний ёшда ҳам кимнингдир корига яраётганидан, ҳали-ҳануз одамларга керак эканидан мамнун бўларди.

Оддий сувчи Валибой бобо салкам 90 ёшни қоралаб, ҳаётдан кўз юмди. Буни қарангки, у далаларда ёнмаён тер тўкиб ишлаган юзлаб, минглаб деҳқонларнинг юракларидан жой олган экан. Сўнгги манзилга кузатиш чоғида бутун қишлоқни таниш-нотаниш одам босиб кетди. Каттаю-кичикнинг кўзида ёш...

Ўшанда мен аниқ бир қарорга келдим: одамзот ўзидан яхши ном қолдириши учун олим-фозил бўлиши шарт эмас, энг аввало қалби бутун бўлмоғи, касбига алоҳида меҳр кўймоғи керак экан. Кўнгил ана шу меҳр булоқларидан сув ичсагина, инсон ёшига қарамай, бардам юраркан...

Велосипедга аста "қамчи" босаман. Шаҳар марказидан ўтиб борарканман, салкам 40 йиллик қадрдон ишхонамнинг мовий рангли биноси деразасидан кимдир мени кузатаётганини сезаман. Ҳануз унутмаганларидан қалбим ифтихор туйғуларига тўлади.

Бирдан телефоним жиринглаб қолди.

– Ассалому алайкум, устоз, – қиз боланинг майин ва тийрак овози эшитилади. – Мен сиз ишлаган даргохда иш бошлаяпман. Менга оқ фотиҳа берсангиз...

– Хўп, – дейман-у, саркаш хаёлларга бериламан. Эҳтимолки, набирам тенги бу қизчага айтишим керак бўладиган сўзларни бир-бир шууримдан ўтказа бошлайман."- Оппоқ қизим, энг аввало касбинг баробарида ишхонангни ҳам ардоқла. Хузурингга ёрдам сўраб келган одамларга энг яқин кишингдек муносабатда бўл. Шу даргоҳда ишлаб кетган устозларни ҳамиша ёд этиб тур. Уларнинг ибратли ҳаётлари барчамизга сабоқ. Билсанг, қизгинам, улар ҳануз жўшиб оқаётган дарёларга ўхшайдилар..."

Собиржон ИНОМОВ.

Дзюдо

ДИЁРБЕК – КУМУШ МЕДАЛЬ СОҲИБИ

Словениянинг Любляна шаҳрида дзюдо бўйича 21 ёшгача йигит-қизлар ўртасида давом этаётган жаҳон чемпионатида етмиш беш давлатдан олти юз нафардан зиёд дзюдочи жами 16 медаллар жамланмаси учун ўзаро рақобатлашмоқда.

Жаҳон чемпионатида мамлакатимиз шарафини 11 нафар спортчи ҳимоя қилмоқда.

Ўзбекистон терма жамоаси ҳисобига дастлабки медални 60 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан Диёрбек Ўрозбоев келтирди. Истеъдодли полвонимиз мусобақа давомида мўғулистонлик Ганболд Мункхтур, эквадорлик Карлос Матуте, япониялик Юма Ошима ва туркиялик Шахин Аҳмад Кабани мағлубиятга учратиб, финалга чиқди.

Ҳал қилувчи беллашувда Жанубий кореялик Баул Анга кичик ҳисобда ютқазган ҳамюртимиз жаҳон чемпионатининг кумуш медалини қўлга киритди.

ЎзА.

ЭЪЛОН

MATBUOT tarqatuvchi
OCHIQ AKSIYADORLIK KOMPANIYASI

Тошкент вилояти «Матбуот тарқатувчи» шўъба корхонасида Республика ҳамда Маҳаллий нашрларга 2014 йил обуна мавсуми давом этмоқда.

Вилоятнинг барча туманларида филиаллар мавжуд.

Вилоят обуна бўлими:	8-370 233-13-04
Ангрен шаҳар филиали:	+99890 123-69-71
Бекобод шаҳар филиали:	+99890 9592863
Бекобод туман филиали:	+99890 167-43-27
Бўстонлиқ туман филиали:	+99893 527-74-53
Зангиота туман филиали:	+99890 976-47-93
Олмалиқ шаҳар филиали:	+99891 787-23-53
Оҳангарон туман филиали:	+99893 508-22-99
Ўртачирчиқ туман филиали:	8-370-76-21-476
Чиноз тумани филиали:	8-370-59-31-331
Чирчиқ шаҳар филиали:	8-370-71-64-617
Юқори Чирчиқ туман филиали:	+99890 125-99-07
Пискент туман филиали:	+99893 619-77-33
Қибрай туман филиали:	+99893 613-83-16
Янгийўл туман филиали:	8-370-60-22-034
Паркент туман филиали:	+99890 125-99-07

ОБУНАГА КЎМАКЧИ – МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ

Гувоҳнома № 000690

Кўргазма

МАДАНИЯТ – ЮРТ ТАНЛАМАЙДИ

Маълумки, Халқаро замонавий санъат биенналеси Тошкентда "Санъат – ижод ва инсонпарварлик рамзи" шиори остида 2001 йилдан буён ўтказиб келинади. Бу йилги VII Тошкент Халқаро замонавий санъат биенналеси "Турли маданиятлар – ягона дунё" мавзусида ўтказилмоқда. Унда 50 га яқин мамлакатлар рассомларининг замонавий санъатнинг турли бадиий йўналиш ва услубларида бажарилган ижод намуналари намойиш этилмоқда.

Кўргазмаларда санъатнинг рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик, инсталляция, видео-арт, фото, перформанс каби йўналишларида яратилган энг сара ишлар намойиш этилмоқда. Ушбу биенналеда нафақат хорижий ва республикамизнинг таниқли рассомлари, балки ёшлар ҳам қатнашмоқда. Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залидаги экспозициядан устоз рассом Жавлон Умарбековнинг бошқа ишлари қаторида "Хумсонлик ҳофизлар" асари ҳам ўрин олган. Муаллифнинг айтишича, Хумсон сафари чоғида, нафақат табиатдан, балки ҳофизлар санъатидан ҳам ғоят илҳомланиб, шу асарни яратган экан. Экспонатлар ёнида ёш ижодкорлар билан суҳбат ва мулоқотлар ҳам уюштирди.

Тошкент Фотосуратлар уйидаги кўргазмага Хитой, Япония, Туркия, Италия, Германия, Исроил каби мамлакатлар рассомларидан ташқари юртимиз ижодкорларининг асарлари ҳам қўйилган. Улар орасида ёш ижодкор К. Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтининг III босқич бакалаври Муҳаммад Қобиловнинг Тошкент вилоятининг гўзал манзаралари акс этган "Чорвоқ. Сокинлик", "Чимён чўққисида. Олам меники", "Бўстонлиқ ўрмонларида. Қизил олма", "Чимён. Чўққи остонасида", "Чимён. Қувонч парвози", "Табиат ва рассом", "Чорвоқнинг Сижжак томони. Тушликдан сўнг" каби фотосуратлари ҳам ўрин олган.

Биенналега қўйилган ижодий ишлардан ташқари унда турли мамлакатлар ижодкорларининг бевосита қатнашишлари, фикр алмашишлар, конференциялар, устоз-шогирд учрашувлари умумбашарий инсонпарварлик ғояларини сақлаш, ҳозирги глобаллашув даврида халқлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

P.S. Тадбирнинг тантанали ёпилиш маросими 27 октябрь куни Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида бўлиб ўтади. Унда ҳайъат аъзолари аниқлаб берган энг яхши асарлар муаллифларига диплом ва мукофотлар топширилади.

ЭЪЛОНЛАР

«МАХАМ-CHIRCHIQ» ОАЖнинг чорвачилик мажмуаси маъмурияти Қибрай тумани Ўнқўрғон қишлоғида фаолият кўрсатаётган фермани, у ердаги қорамолларни ва улар учун Қибрай тумани Май қишлоғида жойлашган ер майдонини ўзаро манфаатли шартнома асосида ижарага беришни таклиф этади. Мурожаат учун телефонлар: (+99890) 919-08-83, (+99890) 919-08-87. "МАХАМ-CHIRCHIQ" ОАЖнинг чорвачилик мажмуаси маъмурияти.

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога қуйидаги кўчмас мулклар тақроран қўйилмоқда: 1. Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан 09.03.2012 й. № 3883-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, А. Темур кўчаси, 20-уйда жойлашган "Ўзбекистон" кинотеатри. Бошланғич баҳоси – 647 852 695,64 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 11 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. 2. Зангиота тумани СИБ томонидан № 7705/22-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Зангиота қ.ф.й., А. Темур кўчаси, 273-уйда жойлашган "2 қаватли савдо дўкони ва соябон". Бошланғич баҳоси – 110 000 000 сўм. 3. Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 21.08.2013 й. № 403/13-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Олтин Водий 2-берк кўчаси, 59-уйда жойлашган "Baraka Building Servis" МЧЖга тегишли нотураржой биноси. Бошланғич баҳоси – 3 293 768 715 сўм. 4. Чирчиқ шаҳар томонидан № 5483-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Истиқлолнинг 5 йиллиги маҳалласи, Гулшан кўчаси, 4-уй. Бошланғич баҳоси – 282 267 963 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 26 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулкнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204936050001, МФО 01103, СТИР 207125885. Аукцион ғолиби сотиб олган кўчмас мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55. Лицензия: RR-0052.

Яккасарой тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган, Шохжахон-1а манзилида жойлашган, "LORA DRESSES" (ИНН 302562580) МЧЖ **ТУГАТИЛАДИ** (жамият якка таъсисчисининг 25.10.2013 йилги қарорига асосан).

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида (+99890) 950-43-24, 253-38-57 телефон орқали қабул қилинади.

Яккасарой тумани инспекцияси томонидан 2010 йил 28 октябрдаги 005632-11 реестр рақами билан рўйхатга олинган "PRO VENDING ASIA" МЧЖнинг устав жамғармаси 83 100 220 сўмдан 40 686 280 сўмга камайишини маълум қилади.

Шайхонтоҳур тумани инспекцияси томонидан 2013 йил 30 июндаги 006725-09 реестр рақами билан рўйхатга олинган "YORK GROUP" (ИНН 302600819) хусусий корхонаси фаолияти норентабиллиги сабабли **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 364-84-41 телефон орқали қабул қилинади.

Яккасарой тумани, Қушбеги кўчаси, 26-уй манзили бўйича рўйхатга олинган "IRODAT-TEKST" (ИНН 205015382) МЧЖ Яккасарой тумани, Қушбеги кўчаси, 20-А уй манзили бўйича рўйхатга олинган "ZIYODA ART TEXTILE" (ИНН 302663320) МЧЖнинг таркибига тўлиқ бирлаштирилишини маълум қилади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 250-06-31 телефон орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳри, Бектемир тумани ТСРЎИ томонидан 2013 йил 18 январда 0202026 реестр рақами билан рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркор Аловхонова Барчин Рашидовнага берилган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

XXI аср ва Дунё

АВТОБУС ЭЛЛИК МЕТРДАН ҚУЛАДИ

Таиланднинг шимолида автобус аварияга учрагани оқибатида камида 21 киши қурбон бўлди, 19 киши жароҳатланди.

Лампанг вилояти полициясининг маълумотига кўра, автобус буддизм динига мансуб зиёратчиларни олиб бораётган экан. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари берган маълумотларда келтирилишича, тоғ йўлидаги кескин бурилиш жойида автобус тўсиққа урилиб, чуқурлиги 50 метр бўлган жарга қулаб тушган. Тахминий маълумотларга кўра, автобуснинг тормози ишламай қолган.

Воқеа содир бўлган жойга етиб келган қутқарувчилар одамларни пачоқланиб кетган автобусдан чиқариб олишда анча қийналдилар. Бунинг устига тезда қоронғи тушиб қолгани ҳам қутқарув ишларини мураккаблаштириб юборди.

АДВОКАТЛАР ЖАЗОНИ КУЧАЙТИРИШГА ҚАРШИ

Японияннинг адвокатлар ассоциацияси федерацияси ҳукуматнинг махсус сирларни ҳимоя этиш тўғрисидаги қонунни қабул қилиш мақсадига кескин қарши чиқди.

Чунки мўлжалланаётган қонунда миллий хавфсизликка алоқадор маълумотларни ошкор этганлик учун жазони кескин кучайтириш назарда тутилган. "Таъқибни кучайтириш эмас, балки ахборотни назорат қилиш тизимида тартиб ўрнатиш лозим" дейилади ушбу нуфузли ва кучли таъсирга эга ташкилотнинг баённомасида. Зеро, махфий маълумотларнинг ошкор бўлиши билан боғлиқ аввалги ҳодисаларга уларнинг палапартиш сақланаётгани сабаб бўлган.

ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ ХУРУЖНИ ҚОРАЛАДИ

Малида хизмат қилаётган тинчлик ўрнатувчи кучларга қарши ҳужум жараёнида икки ҳарбий ва бир аҳоли вакили ҳалок бўлди, бир неча киши жароҳат олди. БМТ хавфсизлик кенгаши ушбу террорчилик хуружини қоралади.

Шунингдек, ушбу нохуш воқеани БМТ бош секретари Пан Ги Мун ҳам қоралади. "Ушбу ҳужум БМТнинг Малида хавфсизлик, барқарорлик ва мустаҳкам тинчлик ўрнатишни қўллаб-қувватлашига ҳалал бермайди" деди у.

Бир неча ой давом этган тинчликдан сўнг сентябрнинг охирларига келиб, Малида марказий ҳукуматга қарши қуролланган гуруҳларнинг жангарилари яна фаоллашиб қолдилар. Ўтган йили улар мамлакатнинг каттагина қисмини бир неча ой давомида ўз назоратлари остида ушлаб турган эдилар.

РУЛДА ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ ГАПЛАШИШ ОҚИБАТИ

Американинг Калифорния штатида юз берган автоҳалокат натижасида 6 киши ҳаётдан кўз юмди. Уларнинг 3 нафари ёш болалар эди.

Автоҳалокатдан 12 киши жиддий шикастланди. Улар даволанаётган шифохона мутахассисларининг таъкидлашига қараганда, жабрланганларнинг аҳволи анча оғир.

Маҳаллий телеканалнинг маълум қилишича, ушбу фожиа Лоди шаҳрида юз берди. Бир йўла 5 та машина бир-бири билан тўқнашиб кетди. Полициянинг маълумотларига кўра, автомобиллардан бирининг ҳайдовчиси тезликни ҳаддан зиёд оширгани ва бунинг устига рулда бораётиб, телефонда гаплашгани фожиага сабаб бўлган.

Воқеа содир бўлган жойда мутахассислар иш олиб боришмоқда. Улар фожиа сабабларига аниқлик киритишлари лозим.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Бекзод ҲИДОЯТОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 8362. Адади 6954. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.10.